ХОРАЗМЛИКЛАР ЧАҚИРИҒИГА ЖАВОБАН ТЕРИМ СУРЪАТИНИ КЕСКИН ОШИРАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 224 (2257). | 11 ноябрь, якшанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ВИЖДОН БУРЧИМИЗ

Халқимизнинг ажойиб ҳислати, бебаҳо қалби бор. Элимюртим янада гуркираб ўссин, севикли она-Ватаним шон-шуҳрати тағин ҳам ошсин, бойлигимиз кўпайсин, олдимизга қўйган улуғ мақсадга— коммунизмга тезроқ етайлик —қалбимизга илҳом, билагимизга куч, юрагимизга ғайрат, белимизга қувват бахш этувчи ана шу ўй, ана шу орзу бизни зафарлардан-зафарларга элтмоқда. Шу олижаноб мақсад, шу улуғ ният бизнинг олга томон ҳаракатларимизга қанот боғламоқда.

Бугун бутун Ўзбекистон меҳнаткашлари, она-Ватан хоразмлик шоввозларнинг юксак ҳиммат-ватига ва ориятига тахсин ўқимоқда. Кеча республика газеталарида Хоразм область колхозчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг барча пахтакорларга, Ўзбекистон д а г и барча меҳнаткашларга очиқ хати эълон қилинди. Юксак ватанпарварлик руҳи билан суғорилган бу хат республикамиз шон-шуҳрати учун, миллий ифтихоримиз, юртимиз бойлиги бўлган «оқ олтин» тақдири учун юксак қайғириш билан, она-Ватан олдидаги катта масъулиятни чуқур ҳис қилинган ҳолда виждон бурчи ва қалб амри билан ёзилгандир.

Ватанга 503 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз! Областимиз пахтакорларининг бу йилги аҳду-паймонлари шу. Бутун эл-юрт олдида ана шундай деб сўз берганмиз. Шу ният, шу мақсад билан ҳиммат камарини белга маҳкам боғладик, йил бўйи халол меҳнат қилдик. Инсоннинг меҳри билан эзозланган ер ҳам ўз эгаларига саҳийлик билан мўл ҳосил армуғон этди. Эндиликда ҳосил учун курашнинг якунловчи, шу билан бирга ҳал қилувчи дамлари келди. Ватанга берилган сўз — муқаддасдир, унинг устидан чиқиш, ваъдага вафо қилиш— бизнинг шон-шараф, орномус ва виждон ишимиздир. Ана шуни яхши ҳис қилган областимизнинг илғор хўжаликлари мавжуд ишчи кучлари ва техникадан ишнинг кўзини билиб фойдаланган ҳолда йиғим-терим мавсумини зўр уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Қуйи Чирчиқ, Оржоникидзе районлари, Тошкент ишлаб чиқариш бошқармаси хўжаликлари давлатга пахта сотиш планиан муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Эндиликда Юқори Чирчиқ ва Чиноз районларининг азамат меҳнаткашлари маррага яқинлашмоқдалар.

Лекин очиқ эътироф этиш керакки, областимиздаги хўжаликларда пахта йиғим-терими ва уни давлатга топширишнинг шу кеча-кундуздаги суръати ҳеч кимни қаноатлантирмайди. Кейинги кунларда область районларида пахта тайёрлаш суръати кескин камайиб кетди. Бу ҳол областимиздаги ҳар бир меҳнаткашни қаттиқ ташвишлантириши зарур. Оққўрғон, Комсомол ва Гулистон районлари айниқса сусткашлик кўрсатмоқдалар. Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, хўжаликларнинг раҳбарлари барча имкониятларни ишга солган ҳолда юз берган аҳволни қисқа муддат ичида тузатиш учун ҳамма чораларни кўришлари керак. Ҳозирги долзарб кунларнинг ҳар дақиқаси олтин билан тенг. Бир кунни ҳам қўлдан бой бериб бўлмайди.

Республикамиздаги б о ш қ а областлар қатори бизнинг областнинг ҳам пахта тайёрлашда орқада қолаётганлиги хоразмлик биродарлари м и з н и ҳақли равишда ташвишлантирмоқда. Шу сабабли ҳам улар бизга мурожаат қилиб, 3 миллион 350 минг тонналик улкан хирмонни бунёд этиш учун отни қамчиланг, демоқдалар.

«Биз биродарларимизга,— дейилади хоразмликлар н и н г очиқ хатида,— Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сурхандарё, Бухоро областларининг ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг меҳнаткашларга чин юрагимиздан мурожаат қилиб айтамизки, келинглар, биргаликда аҳил бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини сўнгги чаноғигача териб, давлатга топшириш учун тағин бир зўр берайлик.

Кимки, меҳнат қилишга қурби етса, колхоз ва совхозларнинг далаларига чиқсин ва пахта учун курашга ўз ҳиссасини қўшсин».

Хоразмликларнинг хати пахта учун курашга даъват этувчи жанговар чақириқдир. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари бу хатни ҳар бир хўжаликда кенг ишлаб чиқишини ташкил этишлари ва шу асосда терим суръатига ҳалақит бераётган камчиликларни бартараф этиш тадбирларини белгилашлари лозим.

Пахтани чала териш ва нобуд қилишга қарши шафқатсиз кураш очиш керак.

Шу йилнинг 19 ноябрида КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми чақирилади. Пленум муҳокамасига саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини яхшилаш тўғрисидаги масала киритилади. Бу хушхабар пахтакорларимизнинг ғайратига ғайрат қўшиб юборди.

Шунга эришайликки, ҳар бир хўжалик, ҳар бир коллектив партиямиз Марказий Комитети Пленумини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олсин. Хоразмликлар айтганидек, **ғалаба яқин қолган ҳозирги пайтда бор ҳосилнинг ҳаммасини йиғиштириб олиш, не-не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам қўлдан бой бермаслик учун бир ғайратга юз ғайрат қўшиб ишлайлик!**

Совет милициясининг байрами

МОСКВА, 9 ноябрь. (ТАСС). Бугун Ф. Э. Дзержинский номидаги Марказий клубда совет милициясининг 45 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишда милиция ходимлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари қатнашдилар.

Л. И. Брежнев, Ф. Р. Козлов, Д. С. Полянский, Н. С. Хрушчев ўртоқлар йиғилиш президиумига чиққанларида йиғилиш қатнашчилари уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

РСФСР жамоат тартибини сақлаш министри В. С. Тикунов «Совет милицияси куни тўғрисида» доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан самимий кутиб олинган ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади. Никита Сергеевич тўпланганларни самимий табриклади, милиция ходимларига уларнинг олижаноб ишида янги муваффақиятлар тилади.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, ССР Иттифоқи Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрикнома қабул қилдилар.

* * *

10 ноябрда Свердлов номидаги концерт залида байрамлардагидек шод-хуррамлик ҳукм сурди. Совет милициясининг кунига бағишланган тантанали йиғилишга жамоат тартибини сақлаш органларининг ходимлари, республика ва унинг пойтахтидаги партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакиллари, кўнгилли халқ дружиналари аъзолари, совет армиясининг генераллари ва офицерлари тўпландилар.

Президиумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Г. Ф. Наймушин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидатлар Н. В. Мартинов, Қ. Муртазоев, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-полковник Н. Г. Ляшченко ва бошқалар ўтирибдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Р. Н. Нишонов очди. Содиқ ленинчи, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун толмас курашчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитети Президиумини йиғилишнинг фахрий президиумига сайлаш тўғрисидаги таклиф гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Карлов йиғилиш қатнашчиларининг давомли қарсаклари остида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг милиция ходимларига табрикномасини ўқиб берди.

Совет милициясининг куни тўғрисида Ўзбекистон ССР жамоат тартибини сақлаш министри, учинчи ранг ички хизмат генерали Т. А. Жалилов доклад қилди.

Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, ССР Иттифоқи Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ XII СЕССИЯСИГА

ПАРИЖ ШАҲРИ

ЮНЕСКО бош конференциясининг XII сессияси қатнашчиларини ССР Иттифоқи ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан табриклайман ва уларнинг ишларига катта муваффақиятлар тилайман.

Жаҳондаги деярли ҳамма мамлакатларнинг вакиллари қатнашаётган сизнинг конференциянгиз кишилик жамияти тараққиётининг ажойиб бир даврида ўтмоқда. Миллионларча кишилар бошига жуда кўп азоб ва кулфатлар солган шармандали мустамлакачилик системаси емирилмоқда ва барбод этилмоқда. Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги янги мустақил давлатлар дадиллик билан тўла ҳуқуқли халқлар оиласига кириб келмоқдалар. Биз ғоят буюк социал ўзгаришлар ва фан ҳамда техника мислсиз катта муваффақиятларга эришаётган бир даврда яшамоқдамизки, бу муваффақиятлар космосни штурм қила бошлаш имконини берди.

Инсоният тинч ва дўст бўлиб яшаш ҳамда планетамизнинг бойликларидан моддий неъматлар мўл-кўллигини вужудга келтириш, фан, маданият, маориф ишларини равнақ топтириш, очлик, касаллик ва саводсизликка тамомила барҳам бериш мақсадида фойдаланиш учун барча имкониятларга эгадир.

Ҳозирги вақтда инсоният олдида тинчлик учун, турли социал системадаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун курашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ.

Еппасига ва батамом қуролсизланишни амалга ошириш жуда кўп маблағларни бўшатиш имконини берган бўлур эди, бу маблағлардан халқнинг фаровонлигини кескин сурагда ошириш, фан ва маданиятни равнақ топтириш, иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Шу сабабли бутун прогрессив инсоният, яхши ниятдаги барча кишилар замонамизнинг ана шу энг буюк проблемаларини ҳал этиш учун, тинчликни таъминлаш ва барча халқларнинг равнақи учун курашда бирлашишлари лозим.

Бундай шароитда ЮНЕСКОнинг роли ҳам ортиб бормоқда. ЮНЕСКО Уставга мувофиқ, тинчликни ҳимоя қилиш идеясини кишилар онгига сингдиришга ва ер шаридаги барча мамлакатлар халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантиришга ёрдам бериши керак.

Бош конференция қатнашчиларини ишонтириб айтмоқчиманки, Совет Иттифоқи тинчлик учун ва қаттиқ халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланишни тезликда амалга ошириш учун, мустамлакачиликнинг ҳамма шаклларини узил-кесил тугатиш учун ҳамда фан, маданият ва маориф соҳасида халқаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун доим ҳормай-толмай кураш олиб боради.

Ҳурмат билан **Н. ХРУШЧЕВ.**

1962 йил, 6 ноябрь. Москва шаҳри

ЮКСАК СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРАМИЗ

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИНИНГ БАРЧА ПАХТАКОРЛАРГА, ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРГА

О Ч И Қ Х А Т И

Азиз дўстлар!

Биз сизларга бу мактубни тарихий кунларда ёзмоқдамиз. Совет халқи — қаҳрамон халқ, ижодкор халқ ва у билан биргаликда социалистик мамлакатлардаги қардош, ҳамкор бўлган барча меҳнаткашлар, бутун тараққийпарвар инсоният кечагина буюк байрам — Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллигини, марксча-ленинча ғояларнинг асло сўнмас нури билан порлаган, янги дунё туғилган кунни шодиёна нишонладилар.

Совет кишилари партия XXII съездининг қудратли илҳомбахш қарорларининг руҳи билан яшамоқдалар, меҳнат қилмоқдалар, тарихда қоладиган ишларни қилмоқдалар. Партиянинг XXII съезди совет халқини шундай юксакликка кўтардики, бу чўққидан коммунистик эртамиз тағин ҳам равшан кўринib турибди.

КПСС ленинчи Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг бошқа қардош республикалар сингари Совет Ўзбекистонининг экономикаси ва маданиятининг равнақи тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрлиги бизни қанотлантирмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев шу йилнинг ўзида республикамизга икки марта келганлиги учун унга чин қалбимиздан ташаккур изҳор этамиз.

Партия XXII съездининг тарихий қарорларидан, КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги ва доимий меҳрибонлигидан илҳомланган Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари завод ва фабрикаларда, кон ва нефть конларида, электростанцияларда ва қурилишларда, пахта далаларида ва чорвачилик фермаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Умумхалқ меҳнатига Хоразм меҳнаткашлари ҳам ўз ҳиссасини қўшаётганлиги билан бахтиёрмиз.

Қадрли ўртоқлар, мамнуният билан шуни хабар қиламизки, Хоразм области пилла, қоракўл терн. гўшт, гўхум. сабзавот, мева, қовун-тарвуз тайёрлаш йиллик планларини муддатидан илгари бажарди. Сут, шоли, узум, озуқабоп экинлар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш йиллик планларини ҳам яқин вақт ичида бажариш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда.

Никита Сергеевич Хрушчев пахта олтиндан ҳам қиммат деди. Мамлакатимизнинг бу катта бойлиги бўлган пахта етиштиришни кўпайтириш ҳамиша Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг асосий иши бўлиб келганидек, бизнинг ҳам асосий ишимиз бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

1961 йилнинг ноябри ҳаммамизнинг ёдимизда. Ўша кунларда барча пахтакорларнинг нигоҳи Ўрта Осиё республикалари, Озарбайжон ва Қозогистон жанубий областлари қишлоқ хўжалик ходимларининг ўрток Н. С. Хрушчев иштирокида кенгаши ўтаётган Тошкентга қаратилган эди. Хоразмнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ана шу кенгашда 1962 йилда область бўйича гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга камида 300 минг тонна «оқ олтин» сотамиз, деб сўз берган эдилар.

Орадан бир йил ўтди. Бу давр пахтачилик учун ўнғай йил бўлгани йўқ. Табиат бирин-кетин қийинчиликлар туғдирди. Пахта далаларида жала ёғди, дўл тушди, кучли довуллар бўлиб ўтди. Учдан бир қисм майдонда чигитни қайта экишга тўғри келди. Қаттиқ сув камчиллиги оқибатида аҳвол мураккаблашди.

Хоразм пахтакорлари табиат инжиқликларини ўз меҳнатлари, иродалари, уддабуронликлари туфайли енгдилар. Кишилар зўр бериб, астойдил, кечаси ҳам, кундузи ҳам меҳнат қилдилар. Улар қаерда кўп тер тўкилса, ўша ерда ҳосил мўл-кўл бўлишини яхши билардилар.

Одамнинг меҳрибон кўли билан эъзозланган ер ҳам ўз эгаларига саҳийлик билан мўл ҳосил туҳфа қилди. Етиштирилган ҳосилни кўриб кўз қувонади. Бу — ифтиҳоримиз, бахтимиз, бойлигимиз.

Хоразм пахтакорлари пахта йиғим-терими даврида ҳам ғайрат қилиб, астойдил ишламоқдалар.

Бизнинг ҳам Халима Ҳошимова, Ганжа Пиниёзов, Абдулла Жуманиёзов, Салой Сариёев, Ободон Дўсова, Жамила Собирова, Мая Нам, Ойша Жуманиёзова, Бибиражаб Сафарова сингари ўз охуновларимиз, тюпколларимиз, умрзоқларимиз ва бошқа механизаторларимиз борки, уларнинг ҳар бири мавсумда 150-200 тоннадан «оқ олтин» териш учун астойдил курашмоқда. Теримчилар ҳам яхши меҳнат қилмоқдалар. Янгариқ районидаги «Победа» колхозидан Раъно Собирова, Хонқа районидаги «Хорезм» колхозидан Рўзигул Рўзиметова, Қўшкўпир районидаги Ленин номли колхоздан Жаҳонгул Ражапова. Урганч районидаги «Коммунизм» колхозидан Онажон Хўжақова, Шовот районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Оқила Йўлдошева, Хева районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Норпошша Тоирова, Ҳазорасп районидаги «Коммунизм» колхозидан Тўхта Қутлимуродова, Гурлан районидаги «Маданият» колхозидан Ҳадича Олимова ва шунга ўхшаш теримчилар ҳозирнинг ўзидаёқ 10-15 тоннадан пахта териб қўйдилар.

Ватанимиз бойлигини ўз қаҳрамонона меҳнати билан кўпайтираётган кишиларимиз жуда ҳам кўпдир.

Меҳнатнинг самараси яққол кўриниб турибди. Пахта тоғлари юксак қад кўтармоқда. **Хоразм областининг пахта тайёрлаш пунктларига ҳозирнинг ўзидаёқ 235 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Бу планнинг 87 процентига тенгдир.** Янгариқ райони 14447 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30,1 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик планни бажарди.

Янгариқ районидаги Киров номли, Нариманов номли колхозлар гектаридан 34 центнердан ҳосил кўтариб, топширишни ado этдилар. Шовот районидаги Киров номли, Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли ва «Ленинград». Янгариқ районидаги «1 Май», «Москва», «Ленинизм», Ҳазорасп районидаги «Коммуна» колхозлари ва бошқа хўжаликлар ҳозирдаёқ гектаридан ўттиз центнердан ва ҳатто ундан ҳам кўп ҳосил териб олдилар.

Ҳозир область бўйича гектаридан 23 центнердан зиёдроқ ҳосил териб олинди.

Лекин, ҳали кўпгина далаларда пахта чамандек очилганича турибди. **Шунинг учун ҳам биз ишонч билан айтамизки, Хоразм областининг меҳнаткашлари Тошкент зона кенгашида берган сўзларининг устидан чиқадилар — гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариб, Ватанга камида 300 минг тонна «оқ олтин» етказиб берадилар.**

Бунинг учун астойдил меҳнат килиш кераклигини ҳар биримиз тушунамиз, албатта. Чунки, ҳали бизнинг камчиликларимиз жуда кўп. Шунинг учун орамизда сал бўлса ҳам хотиржамликка йўл қўйилмаслиги керак.

Иқрор бўлиш керакки, йиғим-теримнинг дастлабки палласида терим машиналаридан фойдаланишда айрим хатоликларга йўл қўйдик. Биз энди ўша хатони тузатмоқдамиз. «Киши ҳар қанча кучли бўлганда ҳам бир кишининг ишини қилади, машина бўлса, минг кишининг ишини бажара олади» деган ҳақиқатни ҳамиша эсда тутамиз. Барча терим агрегатларини ишлатамиз, машинада кечаси ҳам, кундузи ҳам пахта терамиз! Биз ўз олдимизга ана шундай вазифа қўйдик ва бу вазифани муваффақиятли уддалаш учун қўлимиздан келган ҳамма чорани кўрамиз. Пахтани машинада териш планини бажариш учун тегишли тадбир амалга оширилмоқда.

Теримчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш — муҳим резервимиздир. Ҳар бир теримчи кунига 50-60 килограммдан пахта териши мумкин ва лозим.

Далаларда пахтанинг кўплигини кўриб, баъзи бир хўжаликларда хотиржамликка берилиш ҳоллари юз бермоқдаки, бунинг оқибати жуда хунуқ бўлиши мумкин. Айрим теримчилар чаноқларда чала қолдириб кетяптилар. Қатор ораларида ва йўлларда анчагина пахта тўкилиб нобуд бўлаётир. Баъзи жойда ҳосилни мол пайхон қилишига йўл қўйилмоқда, бундай беғамлик яхшиликка олиб келмайди.

Пахта — умумхалқ бойлигидир. Уни нобуд қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ғалаба яқин қолган ҳозирги пайтда бор ҳосилнинг ҳаммасини йиғиштириб олиш, не-не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам қўлдан бой бермаслик учун бир ғайратга юз ғайрат қўшиб ишлаш зарур. Бунинг учун ҳаво очиқ бўлган ҳар бир кундан, ҳар бир соатдан фойдаланиш ва пахта ғайрлашни об-ҳаво қийин келган шароитда ҳам давом эттиришга тайёр туриш керак. Биз кўрак узадиган, кўсак чувийдиган машиналарни, сушилкаларни тўла тахт қилиб қўйдик. Ҳамма хўжаликларда ҳам теримчиларнинг ва механик-ҳайдовчиларнинг баракали меҳнат қилиши учун тегишли маданий-маиший шароит яратилди ва яратилмоқда.

Халқнинг «қимирлаган қир ошар» деган мақоли бор. **Ҳамиша йўлда бўлган, юрган киши, ҳамиша меҳнат қилган кишигина қийинчиликларни енгиб, маррага, мақсадга ета олади.** Бу йилги шароитда, область далаларида мўл-кўл ҳосил етиштирилган бир пайтда лапашанг, лаёқатсиз кишиларгина планни бажармаслиги мумкин. **Биз-нинг ҳар бир бригадамиз, ҳар бир колхозимиз, ҳар бир районимиз олинган мажбуриятни бажаришгагина эмас, балки ортиғи билан бажаришга қодирдир. Ҳозир хоразмлик барча меҳнаткашларнинг кучғайрати шунга қаратилган.**

Қадрли ўртоқлар!

Пахта йиғим-теримида ишни сал бўлса ҳам пайсалга солиш минг-минглаб кишиларнинг астойдил қилган меҳнати билан етиштирилган ҳосилнинг нес-нобуд бўлиши хавфини туғдиради.

Биз нобудгарчиликка сира йўл қўймаймиз ва бунга ҳаққимиз йўқ, нобудгарчиликни оғир жиноят деб биламиз. Пахтанинг охирги граммигача териб олиб, тайёрлов пунктларига топширамиз.

Биз биродарларимизга — Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро областларининг ва Қорақалпоғистон Автоном республикасининг меҳнаткашларига чин юрагимиздан мурожаат қилиб айтамизки, келинглар, етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини сўнгги чаноғигача биргаликда аҳил бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб териб давлатга топшириш учун тағин бир зўр берайлик.

Кимки, меҳнат қилишга қурби етса, колхоз ва совхозларнинг далаларига чиқсин ва пахта учун курашга ўз ҳиссасини қўшсин. «Оқ олтин» учун олиб борилаётган бу умумхалқ жангида беparво кишилар бўлиши мумкин эмас. Кимки бошқа бировнинг ҳисобига кун кўрмоқчи бўлса, кимки, ҳақиқий жангчиларнинг орқасида яшириниб турса, у нафратга дучор бўлади.

Шаҳарликларга, район марказларининг аҳолисига мурожаат қилиб, айтадиган алоҳида сўзимиз бор. Пахта йиғим-теримида колхозчиларга ва совхоз ишчиларига катта кўмак берган шаҳар ва район марказларининг меҳнаткашларидан жуда миннатдормиз. Шаҳарлик ўртоқлар, тайёрлаш пунктларида қад кўтарган пахта ғарамларидаги кўпгина тонна ҳосил сизнинг қўлингиз билан терилган. Бунинг учун сизларга чин юракдан минг раҳмат деймиз. **Биз энди, пахта йиғим-терими тугай деб қолган бир пайтда ҳам сизларнинг терим ишларида янада кўпроқ ёрдам кўрсатишингизга ишонамиз.**

Йиғим-терим вақтида ҳамма жойда меҳнат унумдорлигини, машиналарнинг иш унумини ошириш бурчимиздир. Барчэ колхоз ва совхозларда ҳосилнинг пайхон қилинишига, териш ва ортиш пайтида пахтани нобуд қилишга қарши шафқатсиз кураш очишимиз керак. Бир грамм пахта жуда оздек кўринади, лекин тома-тома кўл бўлишини, тонналар граммлардан вужудга келишини унутмаслик керак.

Қадрдон дўстлар!

Биз бу хатни далаларимиздаги ҳосилнинг ҳаммасини имконият борича тезроқ йиғиштириб олайлик деган бирдан бир истак ва мақсадда ёзмоқдамиз.

Биз бу ишни қанчалик тезроқ қилсак, кузги-қишки ишларни аъло даражада ўтказишимиз учун шунчалик кўп имконият бўлади, кузги-қишки ишларни ўтказиш эса келгуси йил мўл ҳосилининг гарови эканлиги ҳаммага маълум.

Совет Ўзбекистонининг пахтакорлари ўз зиммаларига бу йил юксак мажбурият олганлар. Ватанга берилган сўз муқаддасдир. Сўзнинг устидан чиқиш, ваъдага вафо қилиш бизнинг шон-шараф, орномус, виждон ишимиздир.

Пахта фронтидаги жангнинг энг масъулиятли, якунловчи даври келди. Мажбуриятни бажаришнинг муваффақиятини эндиликда ойлар эмас, ҳафталар, кунлар, соатлар ҳал қилади.

Севикли социалистик Ватанимиз биздан имконият борича кўпроқ пахта етказиб беришни кутяпти. Биз ҳар қандай қилиб бўлса ҳам бу пахтани етказиб беришимиз керак. Бу бизнинг энг биринчи ватанпарварлик ва интернационал бурчимиз, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга қўшадиган энг муҳим ҳиссамиздир.

Ҳамма — пахта йиғим-теримига!

Пахта далаларида меҳнат ғайратини янада ошириайлик.

БУ ХАТ ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЧИЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ИИҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН ВА ҚАБУЛ ЭТИЛГАН.

ТЕРИМ СУРЪАТИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛСИН

9 ноябрда Тошкент область партия комитетида кенгаш бўлди. Бу кенгашда колхоз раислари, совхозларнинг директорлари, район партия комитетларининг секретарлари, территориал ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимлари ва область партия ташкилоти активлари қатнашди.

Кенгаш қатнашчилари «Пахта териш ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштириб олиш суръатларини жадаллаштириш чоралари тўғрисида» Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдуразоқов**нинг докладини тингладилар. Докладчи пахта териш ва давлатга топшириш ишлари областдаги хўжаликларда қандай бораётганлиги тўғрисида гапириб, пахта териш суръатларини жадаллаштириш учун бартараф қилиниши лозим бўлган камчиликларга батафсил тўхталиб ўтди.

Қўшимча докладчилар — Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари **Қ. Махкамова,** Юқори Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари **М. Ким,** Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари **О. Бердиев,** Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари **М. Камолов** ва бошқа ўртоқлар хўжаликларда социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш учун қандай кураш олиб борилаётганлиги тўғрисида гапирдилар. Янгиер районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Т. Латипов,** Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозининг раиси **М. Пўлатов** ва Янгийўл районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ҳ. Турсунқулов** илғор колхозлар пахтакорларининг буюк меҳнат зафарлари тўғрисида сўзладилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

КУЗГИ ЭКИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

ЯНГИБОЗОР, (ЎзТАГ). Юқори Чирчиқ районидаги колхоз ва совхозлар кузги дон экинлари экиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. 15668 гектар майдонга дон экилди. «Ўзбекистон», Ленин номли, Свердлов номли, «Политотдел», «Коммунизм» колхозлари ва бошқа колхозлар дон экиш планини муваффақиятли бажардилар. Кузги экиш давом этмоқда.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Олий Советини чақириш тўғрисида

СССР Олий Советининг Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Олтинчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессияси 1962 йил 10 декабрда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль 1962 йил 10 ноябрь.

Жамоатчи коммунист Абдурахим Сулаймоновни электркимёсиз. У ўзи механик бўлиб ишлаб комбинатида ким танимайди дейсиз. У ўзи механик бўлиб ишлаб турган 3-цех партия ташкилотининг секретари, ремонт цехида бир неча йиллардан бери агитатор. А. Сулаймонов ўз снёсий ва техника бўлимини ҳам тинмай такомиллаштириб бораётир. Ҳозир у Тошкент политехника институти Чирчиқдаги филалининг механика факультетида ўқимоқда. Комбинат партия комитети бу сергайрат коммунистни снёсий ташкилотчиликка тайинлади.

В. Салов фотоси.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

РЕЖАЛАР АМАЛДА

Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи партия комитетининг ҳисобот даврида КПСС XXII съезди материаллари ва партиянинг Программасини ишчилар ўртасида кенг муҳокама қилиниб, пухта ўрганилиши ишлаб чиқариш планларини муваффақият билан бажарилишини таъминлашда ҳал қилувчи ролни ўйнади.

Корхона бўйича 9 ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 101,8, товар маҳсулоти ишлаб чиқариш плани эса 101,2 процент бажарилди.

Партия XXII съездининг ишлаб чиқаришни тинмай механизациялаш ва автоматлаштириш тўғрисидаги кўрсатмасини амалга оширишда ҳам озмунча ишлар қилинмади. Ишчи ва инженер-техник ходимларнинг ижодий меҳнати билан 300 стенд тайёрланган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган. Бундан ташқари 313 рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этилиши йил мобайнида 184903 сўм маблағни тежаш имкониятини берди.

Шу кунларда завод цехларида коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдори номини олган 1052 кишидан иборат 168 бригада, 49 кишидан иборат 4 смена, 143 кишидан иборат 9 участка ва 151 ишчи фидокорона меҳнат қилмоқда. Буларнинг кўпчилиги коммунист ва комсомоллардир. Тепловоз цехининг Х. Қосимов бошчилигидаги слесарлар бригадаси, чўян қуйиш цехининг обрубчиси А. Султонмуродов, 2-механика цехининг токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Қодиров, электромашина цехи коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Н. Железнов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи коммунистларининг ҳисобот сайловига бағишланган умумий йиғилишда партия комитетининг секретари Т. Мирхаитов ана шулар тўғрисида гапирди.

Аммо завод ишлаб чиқаришида жиддий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Энг йирик цехлардан бири — пўлат қуйиш цехи ҳамон ишлаб чиқариш планларини бажармай, орқада судралиб келмоқда. Бу ерда бракка йўл қуйиш туфайли ўтган 9 ой мобайнида завод анча зиён кўрди. Цехда меҳнат интизоми бўш.

Доклад юзасидан сўз олган чўян қуйиш цехининг обрубчиси А. Султонмуродов бундай деди.

— Партия комитети ўзи қабул қилган қарорларнинг натижаси учун курашмайди. Қиш шароитида ишлашга тайёргарлик юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди, бироқ унинг ижроси текширилмаётир. Буни чўян қуйиш цехи мисолида кўриш мумкин. Цехни қишга тайёрлаш юзасидан қилинадиган энг зарур, кечиктирилиши мумкин бўлмаган ишларнинг биттаси ҳам бу кунгача бажарилмади. Партия комитети бу ишларга бевосита жавобгар бўлган завод бош инженерининг ўринбосари Г. Каземировдан талаб қилмайди.

Пенсионер, партия контроль комиссиясининг бошлиғи ўртоқ Д. Беляков Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг завод реконструкциясини тезлатиш тўғрисидаги кўрсатмаси «Средазтрансстрой» бошлиғи Барановский томонидан бажарилмай келинаётганлиги ҳақида гапирди.

Шунингдек музокарага чиқиб сўзлаган темирчилик цехининг пресловчиси Н. Гарбатов, вагон цехи партия ташкилотининг секретари В. Кисилов, транспорт цехининг диспетчери, партия контроль комиссиясининг бошлиғи Бердин ўртоқлар ҳам партия комитетининг амалий ишидаги камчиликлари ҳақида гапирдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишининг қатнашчилари партия комитетининг ишларини яхшилашга қаратилган қарор қабул қилиб, партия комитетининг 11 кишидан иборат янги составини сайладилар.

Партия комитетининг секретарлигига ўртоқ В. Хилинин сайланди.

Ж. МАҲМУДОВ.

Обунани тезроқ тугаллайлик

Тошкент область Калинин районидаги 34-ўнбир йиллик мактаб коллективи 1963 йил учун газета ва журналларга ёзилишда активлик кўрсатмоқда. Ўқувчилардан С. Маҳкамов, Х. Деҳқонов, С. Ғофурова ва О. Зокиров ўртоқлар обуна бўлишда ҳаммага намуна бўлмоқдалар. Мактаб коллективи 450 сўмлик газета ва журналларга ёзилиб обуна планини ошиғи билан бажарди.

Р. Тўлабоев.

Чиноз районида газета ва журналларга обуна бўлиш яхши ташкил этилмаган. Райондаги 24, 29, 30-мактабларда обуна ишлари жуда ёмон аҳволда. Ленин номли, Навоий номли, «Москва», Киров номли колхозларда ҳали обуна ишлари бошлангани йўқ. Обуна ишини қизитиб юборадиган вақт келди. Колхоз, совхоз, корхона, мактаб раҳбар ходимлари бу ишни контроль қилиб туришлари керак.

Т. Имомов.

Оржоникидзе районидаги Свердлов номли колхоз аъзолари 1963 йил учун газета ва журналларга уюшқоқлик билан обуна бўлмоқдалар. Ҳозиргача 450 колхозчи газета ва журналларга ёзилди.

— Декабрь ойигача,— дейди колхоз партия ташкилотининг секретари З. Ғозиев,— яна 500 сўмлик газета ва журналларга обуна бўламиз, ҳозиргача 15 хил газета ва 10 хилдан ортиқ журналларга ёзилиб бўлдик. Обуна давом этмоқда.

И. РУСТАМОВ,
Қ. КОМИЛОВ.

Тошкентдаги ремонт-механика заводининг моҳир электр пайвандчиси ўртоқ Ю. Иванов смена нормасини 120—130 процентдан бажараётир. У ҳозир декабрь ойи ҳисобига ишламоқда. Суратда: ўртоқ Ю. Иванов.

А. Тўраев фотоси.

Тилдаги амалда бўлсин

Техника тараққиётини жадаллаштириш, инженер-техник ходимлар, ишлаб чиқариш новаторларининг ижодий ташаббусини оширишда илмий-техника жамиятининг қанчалик катта роль ўйнашини таъкидлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Бу вазифани ишлаб чиқариш экономикаси, меҳнат ва иш ҳақи секциясининг раиси, инженер Ф. Ломакин жуда тўғри тушунади, ўз фаолиятида шунга амал қилади. У қуйидан планлаштириш системасини ишлаб чиқиш ҳамда пармалаш станоклари, экскаваторлар, автотранспортларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини анализ қилишга кўп куч ва меҳнат сарфламоқда.

— Бу системанинг жорий қилиниши, — дейди Федор Никонович, — тоғ-техника шароитини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши ва иш сифати устидан назорат қилиб туришга катта ёрдам беради. Шунингдек, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини таққослаш, фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш ва маҳсулот таннархини камайтириш, иш ҳақи тўлаш ва рағбатлантиришни тўғри ташкил қилишга имконият яратади.

Ўртоқ Ломакин раҳбарлигидаги секцияда меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи тўлашни планлаштириш методикаси ишлаб чиқилди, бу методика участкалар бўйича хўжалик ҳисобига ўтиш учун кенг имкониятлар очиб берди. Федор Никонович ўз вазифасига муҳаббат билан қарайди. Ундан ўрнак олган Г. Сухорукова, Д. Браверман, А. Светлов, Н. Гетман ўртоқлар сингари секция аъзолари ҳам ижодий изланишда бошқаларга ибрат бўлаётирлар.

Комбинатнинг бош тоғ мутахассиси ўртоқ П. Крючков раҳбарлик қилаётган тоғ-геология секцияси аъзолари ҳам диққатга сазовор ишлар қиляптилар. Улар ерости конларида чуқур скважиналарни олмос ёрдамида кавлаш, Олтинтопган ерости бойликларини қазиш технологиясини яхшилаш, коности ишлари унумдорлигини ошириш соҳасида талай тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шунингдек, илмий-техника жамиятининг Қўрғошинкондаги бошланғич ташкилотида ҳам ишлар кўнгилдагидек бормоқда. Бу ерда жамиятнинг ташаббуси билан жамоатчилик асосида ишлайдиган конструкторлик бюроси, технология ва экономика секциялари ташкил қилинган, инженерлар, пармалаш станоклари машинистлари ва экскаваторчилар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш яхши йўлга қўйилган. Материаллар, запас қисмларни тежаш ва маҳсулот таннархини камайтириш соҳасида қатор тадбирлар амалга оширилганлиги туфайли конда шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан кон устини очиш ишлари таннархи 6,3 процент, қазиб чиқарилаётган рудалар таннархи ярим процент камайди.

Илмий-техника жамиятининг кондаги бошланғич ташкилоти рационализатор ва ихтирочилар бюроси ҳамда доимий ишлаб чиқариш кенгашлари билан ҳамкорликда ишламоқда. Шу сабабли рудник коллективи коммунистик меҳнат корхонаси деган муқаддас номни пок сақламоқда, ишлаб чиқариш топшириқларини ойма-ой ортиғи билан адо этаётир.

Афсуски, комбинатдаги илмий-техника жамиятининг барча бошланғич ташкилотларида ҳам иш шу хилда бораяпти деб бўлмайди.

Рўй-рост айтиб ўтиш керакки, илмий-техника жамиятининг комбинатдаги район правлениеси бўйича ишлар қониқарсиз аҳволда.

Биз правление раҳбарлари билан суҳбатлашиб шундай хулосага келдик. Ташқаридан қараганда, бу ерда ишлар кўнгилдагидек бораётганга ўхшайди. раҳбарлар билан шу ҳақда сўзлашиб қолсангиз, улар ундай қилаяпмиз, бундай қилаяпмиз, дейдилар-у, ишлар билан чуқурроқ танишсангиз, фақат оғизда шундай қилинаётганлигини сезиб оласиз. Жамиятнинг айрим раҳбарлари эса, турли бўлмаган баҳоналар билан ўзларини четга оладилар.

— Мен фақат конференциялар ўтказиб туриш учун жавоб бераман, ишимиз билан батафсилроқ танишмоқчи бўлсангиз, комбинат ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Александровга учрашинг, — деди бизга жамият раисининг ўринбосари, «Средазгипцветмет»нинг бош инженери ўртоқ Степанов.

Ўртоқ Александров билан учрашдик, У, правлениенинг илмий секретари ўртоқ Давидовага учрашсангиз қилаётган ишларимизни батафсил гапириб беради, деди бепарволик билан.

Мана, ўртоқ Давидова ҳузуридамиз.

— Правлениенинг иш плани бўлиши шарт эмас, — деди ўртоқ Давидова уялмай-нетмай, бундай планлар секцияларда ва бошланғич ташкилотларда бўлади.

Бироқ илмий секретарь секциялар ва бошланғич ташкилотлар бўйича ишлар қандай бораётганлиги тўғрисида лом-мим деёлмади. Сабаби, кейинги пайтларда жамият звеноларида ҳеч қандай иш олиб борилмаётган, улар билан яқиндан алоқа қилинмаётганлигида эди. Бунинг оқибатида айрим секция ва бошланғич ташкилотлар жон куйдириб ишласалар, айримлари бутун ишни ўзи-бўларчиликка ташлаб қўйган эдилар. Район правлениесининг транспорт (раиси ўртоқ Ноженкин) ва янги техника (раиси ўртоқ Панчук) бўйича секцияларида иш плани мутлақо йўқ.

Бир вақтлар марказий ремонт-механика заводи илмий-техника жамиятида ишлар анча яхши йўлга қўйилган эди. Ҳаммани улардан ўрнак олишга ундашарди. Эндичи? Ҳозир бу ерда илмий техник ишлар сув қуйгандек жимиб қолди. Жамият аъзолари илгаригидек ижодий қайнаб-тошмайдилар. Сўнгги пайтда мана бундай иш қилдик, деб кўрсатаолмайдилар.

— Жамият советининг ҳаттоки иш плани ҳам йўқ, — деб фиғони фалакка чиқади совет раисининг ўринбосари ўртоқ Гжешкевич, — бу йил икки марта ҳисобот-сайлов йиғилишини планлаштирдиг-у, вақтида ўтказаолмадик.

Совет раиси ўртоқ Муркаев эса, очиғини айтганда нима иш қилишимни ҳам билмаяпман, деб жавоб берди.

В. И. Ленин номли Олтинтопган кон-металлургия комбинатининг кўпгина цехларида илмий-техника ишлари сусайиб кетган. Бироқ бу ишга бевосита алоқадор бўлган кишилар вазифа виждонан ёндошиб, жонкуярлик билан ҳалол ишламаётирлар.

Борис КИМ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми навбатдаги мажлисида республикада дарахт ва кўчат ўтказиш ойлиги қандай бораётганлиги тўғрисидаги масалани қараб чиқди. Бу тўғрида Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрининг биринчи ўринбосари П. М. Тимофеев, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министри В. А. Билбас, Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар министри И. В. Стрельцов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. М. Момот, Тошкент область ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Р. Н. Нишонов ахборот бердилар.

Республика Олий Совети Президиуми ана шу муҳим кампанияни муваффақиятли ўтказиш, дарахт ўтказиш ва янги боғлар барпо қилиш юзасидан берилган топшириқларни сўзсиз бажариш учун барча чораларни кўриш зарурлигини таъкидлаб, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, министрликлар ва бошқармалар раҳбарларининг эътиборини шунга жалб этди.

Мажлисда Самарқанд область маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг сессияларда ва аҳоли ўртасида ҳисоб беришлари тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Самарқанд область маҳаллий Советларининг баъзи ижроия комитетлари мунтазам суратда ҳисоб бериб туриш тўғрисидаги талабларни ҳали пухта бажармаётганликлари қайд қилинди. Айрим жойларда ҳисоботлар расмиятчилик тусини олмоқда, мунтазам суратда ўтказилмаётир ва ҳисоб бериш олдидан яхши тайёргарлик кўрилмаётир. Сессияларни чақириш юзасидан конституцияда белгиланган муддатларга риоя қилинмаётганлиги ана шу нуқсон сабабларидан биридир. Ижроия комитети ва бўлимларининг аҳоли ўртасида ҳисоб бериши каби яхши натижа берган иш формаси етарли даражада қўлланилмаётир. Областдаги маҳаллий Советларнинг депутатларидан кўплари сайловчилар олдида онда-сондагина ҳисоб берадилар.

Республика Олий Совети Президиуми ўз қарорида Самарқанд область ижроия комитетига аниқланган камчиликларни тезликда бартараф қилиш, маҳаллий Советларнинг ишларини тобора демократлаштириш ҳақидаги талабларга қаттиқ риоя қилинишини таъминлашни топширди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми бошқа бирқанча масалаларни ҳам муҳокама қилди. (ЎзТАГ).

ОФАРИН

Тошкент эксперименталь темирбетон буюмлари заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари қурилишларга кўплаб ва сифатли маҳсулот етказиб бериш учун мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар. Коллектив илғор иш усуллари ва прогрессив технологияни кенг қўлланиш натижасида 10 ойлик ишлаб чиқариш планини анча ортиғи билан бажарди. Шу кунларда эса ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги ҳисобига темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқаришмоқда.

Корхонада жуда кўп бетончилар ишлаб чиқариш нормасини 130 процентга етказиб адо этмоқдалар. Қ. Тоиров, М. Зоҳиджонов, З. Халимов, Н. Давидчик ва бошқалар шулар жумласидандир. Арматурачилардан Исомиддинов, Аҳмадалиев, Зимин ўртоқлар ҳам меҳнатда пешқадамлардан қолишмаётир. Улар коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни олиш учун курашиб, нормани бир ярим бараварга етказиб адо этмоқдалар.

Корхона коллективи ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик давлат планини 5 декабргача бажариш юзасидан зиммасига оширилган мажбурият олди. Йил бошидан буён ойлик топшириқларни мунтазам ортиғи билан адо этиб келаётган бетончиларнинг ўз ваъдалари устидан чиқишларига албатта ишонамиз.

Х. ҲАЙДАРОВ.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

ҚИЛМИШИГА ЯРАША

Бўстонлиқ район Фрунзе номли колхоз аъзоси Қувондиқ Жуматоев биринчи хотини бўлмиш Ж. Жуматоевага бой-феодалларча муносабатда бўлгани, 4 боласини етим қилиб кўчага ҳайдаб, ғайри қонуний равишда Зулфия деган бир аёлга ўйланиб олгани тўғрисида редакциямизга бир хат келган эди.

Мазкур хатни текшириш ва чоро кўриш учун Бўстонлиқ район прокуратурасига юборилган эди. Прокурор ўртоқ К. Эгамқуловнинг редакциямизга хабар беришича, хатда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган. Ноинсоф Қ. Жуматоев устидан жиноий иш қўзғатилиб, иш судга оширилган.

ЧОРА КЎРИЛДИ

Редакциямизга келган бир хатда Янгиер шаҳридаги 2-«Боёвут» рабкоопига қарашли 18-магазин мудири ўртоқ Э. Маматқосимовнинг жиноий ҳаракатлари маълум қилинган эди. Жумладан, Маматқосимовнинг ҳаридорлар ҳақига хиёнат қилиши, катта етишмовчилиги бўлишига қарамай у ўз вазифасида ишлаб тургани, шунингдек Янгиер матлубот жамиятидаги баъзи камчиликлар кўрсатилган эди.

Мазкур хат текшириб чора кўриш учун Янгиер шаҳар прокурорига ва Тошкент область матлубот жамиятига юборилди. Прокурор Давлатов ва матлубот жамиятининг ранс ўринбосари М. Л. Тершукова ўртоқларнинг редакциямизга юборган жавоблари кўра, хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Э. Маматқосимовда 957 сўм етишмовчилик борлиги аниқланган. Маматқосимов ишдан четлатилган ҳамда ўзига ўзлаштирган давлат пулини ундириш чоралари кўрилган. Унинг жиноятн тўғрисидаги материаллар тергов органларига топширилган.

СИРИ ФОШ БЎЛДИ

Шу йил сентябрь ойида редакциямизга келган хатлардан бирида Ўртасарой сельпосн нефть базасининг мудири Қурбонов ўз вазифасини суиистеъмол қилиб, аравакашлик вазифасига ўзига қарашли ошна оғайниларини қабул қилганлиги ҳамда ишчи отлар учун ажратилган ем-хашакларни сотиш мақсадида ғарамлар қўйганлиги маълум қилинган эди.

Ушбу хатни текшириб чора кўриш учун Ўрта Чирчиқ район матлубот жамиятига юборилган эди. Матлубот жамияти правлениеси ранси ўртоқ Ғаффоровнинг редакциямизга хабар қилишича, хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланган ва шу масала правление мажлисида муҳокама қилиниб, ўртоқ Қурбонов ўз вазифасидан бўшатилган ҳамда Ўртасарой сельпосининг ранси ўртоқ Головкин қаттиқ огоҳлантирилган.

ПЕНСИОНЕРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Давлат пенсиялари тўғрисидаги қонунда белгиланган ёшга етган ҳар бир ишчи ёки хизматчи пенсия тайинлашни сўраб, ўзи яшаб турган жойдаги район(шаҳар) социал таъминот бўлимига ариза беради. Лекин айрим вақтларда ўзига тегишли қонуний пенсияни олишда катта қийинчиликларга учрайди. Ана шу қийинчиликларнинг сабаби ва ким айбдор эканлигини аниқлай олмай диққат бўлади.

Пенсияга чиқаётган кишилар ишлаган корхона, муассаса ёки ташкилотда, пенсия учун асос бўладиган ҳужжатларни тайёрловчи кадрлар бўлими, бухгалтериянинг расчёт қисмидаги ҳисобчи ёки шунинг сингари бошқа бирон хизматчининг ўз ишига совуққонлик билан қараши бу қийинчиликларнинг асосий сабабидир.

Ҳар бир ишчининг меҳнат дафтарчаси, иш стажи, касби ва ҳунари, 12 ойлик ёки 5 йиллик иш ҳақи, қарамоғида бўлган ишга яроқсиз оила аъзолари тўғрисидаги справкалар ариза берган кишига умрбод бериладиган давлат пенсиясини белгилаш учун асос бўладиган ҳужжатлар қаторига киради.

Шуни унутмаслик керакки, ана шу ҳужжатлардан биронтаси бузилган ёки нотўғри расмийлаштириб берилган бўлса, пенсия сўраб ариза берган киши бундан бир неча йиллар илгари ишлаган жойларига ёки архивга мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Бундай ҳужжатларни қайтадан тузатдириб олиш ёки янги ҳужжат топиш анчагина вақт талаб этади, кишининг асабига тегади. Масала шундаки, етишмаган ҳужжатларни ариза берган киши уч ой ичида район (шаҳар) социал таъминот бўлимига топшираолса, пенсия ариза берган кундан бошлаб тўланади. Агар етишмаган ҳужжатларни уч ой мобайнида етказиб бераолмаса, қонунга мувофиқ пенсия сўнгги ҳужжат топширилган кундан бошлаб тайинланади.

Бу соҳада ишчи ва хизматчиларга қулайлик яратиш ва қийинчиликларни тугатиш мақсадида корхона, муассаса ва ташкилотларда касаба союз фабрика-завод-маҳаллий комитетлари ҳузурида пенсия группалари ва махсус ҳужжат тайёрловчи комиссиялар ташкил этилган эди. Улар шу даврга ча Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги ва Ўзбекистон касаба союзлари Советининг 1959 йил 17 сентябрда қабул қилган инструкцияга асосан иш юргизиб келдилар.

СССР Министрлар Совети ва Касаба союзлари Бутуниттифоқ Марказий Совети 1962 йил 2 январда «Ишчи ва хизматчиларни пенсия билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга касаба союзларини кўпроқ жалб этиш ҳақида», деб чиқарган қарорига мувофиқ пенсия тайинлаш учун керакли ҳужжатларни корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти билан бирликда фабрика-завод маҳаллий комитетлари ва пенсия комиссиялари олдиндан тайёрлашлари лозим.

ВЦСПС томонидан тасдиқланган янги Низомга мувофиқ ФЗМК пенсия комиссиялари ишчи ва хизматчилар сони юздан кам бўлмаган корхона, муассаса ва ташкилотларда тузилади.

Бундай комиссия ташкил этилмаган корхона, муассаса ва ташкилотларда эса, ишчи ва хизматчиларни пенсия билан таъминлаш масалаларига оид барча амалий ишлар билан касаба союзларининг фабрика, завод маҳаллий комитетлари шуғулланадилар.

ФЗМК пенсия комиссияларига янги Низом бўйича қандай вазифалар юклатилган?

Биринчи навбатда улар ишчи ва хизматчиларга Давлат пенсиялари тўғрисидаги қонунларни ва уларнинг пенсия ҳуқуқларини тушунтирадилар. Бунинг учун комиссия корхоналарда, муассаса ёки ташкилотларда консультация пунктлари ташкил этади, пенсия масалаларига доир лекция, доклад ва суҳбатлар ўтказади;

Ишлаётган пенсионерлар, пенсия ёшига етиб қолган ва яқин йилларда қарилик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўладиган ишчи ва хизматчилар ҳамда илгари шу корхона, муассаса ёки ташкилотда ишлаган, ҳозир эса шу ташкилот касаба союзининг ҳисобида турган пенсионерлар комиссия томонидан ҳисобга олиб борилади;

Корхона (муассаса, ташкилот) маъмурияти билан биргаликда ишчи-хизматчиларга давлат пенсияси тайинлаш учун зарур бўлган иш стажи, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ва ишчи ҳужжатларни тайёрлайди, керак бўлган чоқда шу ҳужжатларни ишчи-хизматчининг илгари ишлаган жойларидан ёки архивдан сураб олади.

Бу вазифаларни бажаришда корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари ФЗМК пенсия комиссияларига яқиндан ёрдам беришлари керак.

ФЗМК пенсия комиссиясининг аъзолари шуни билиб олишлари керакки, меҳнат дафтарчасини тўлдирганда, бу дафтарчалар жорий этилган даврга (1939 йилга) қадар қилинган ишлар бир жумлада ёзилган ва иш стажи ҳужжатларга асосан ёки оғзаки гапга асосан мунча йил, деб кўрсатилган бўлади. Пенсия белгилаш учун эса иш стажини ҳисоблаганда, «оғзаки гап»га асосан ёзилган стаж эътиборга олинмайди. Агар талаб қилинадиган иш стажи пенсия белгилаш учун етарли бўлмаса, мазкур жумладаги барча стажни бирма-бир ҳужжатлар билан исботлаш лозим бўлади.

Бу ҳужжатларни кўздан ўтказган чоқда, пенсияга чиқувчи кишининг ер ости ишларида, меҳнат шароити соғлиққа зарарли ёки оғир ҳисобланган ишларда ва иссиқлик юқори бўлган цехларда қилган меҳнати тўғрисидаги ҳужжатларга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки, бундай меҳнат учун СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган I ва II сонли ишлаб чиқариш, цех, касб ва вазифалар рўйхатларига мувофиқ, пенсия имтиёзли вақтларда ва имтиёзли миқдорда белгиланади.

Ишчи ва хизматчининг ёши ўтгандан, куч-қуввати кетгандан кейин ҳажми, масъулияти камроқ, осонроқ ишга кўчирилиши мумкин. Бу иш ҳақи миқдорига таъсир қилади, албатта. Лекин бу аҳвол, у кишининг халқ хўжалигини ривожлантиришда, маданият фронтида ва бошқа соҳаларда қилган меҳнатини тўла ифода этолмайди. Давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонун ана шу аҳволни ҳам ҳисобга олади.

Шунинг учун ҳам пенсия миқдорини аниқлаганда, ишчи ва хизматчининг 12 ойда топган ўртача иш ҳақигина эмас, балки пенсияга мурожаат қилган кунидан бошлаб, 10 йил илгари ишлаган давридан, ўз истаги бўйича қаторасига 5 йил, яъни 60 ой мобайнида олган ўртача иш ҳақи ҳам асос қилиб олинади.

Давлат пенсиялари тўғрисидаги қонун, айрим ҳолларда пенсия тайинловчи комиссияга, етишмаган иш стажини гувоҳлар кўрсатмасига асосан расмийлаштиришга рухсат беради. Лекин бу тартибда расмийлаштириладиган иш стажи пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган стажнинг ярмидан ошиб кетмаслиги шарт.

Агар архив сақланмаган бўлса ФЗМК пенсия комиссияси пенсияга чиқаётган кишининг етишмаган иш стажини социал таъминот органлари билан бирликда гувоҳлар орқали расмийлаштириш чораларини кўради.

Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган кунидаёқ ФЗМК пенсия комиссияси тайёрланган ҳужжатларнинг ҳаммасини пенсияга чиқувчи кишининг аризасига қўшиб, у киши яшаб турган жойдаги район (шаҳар) социал таъминоти бўлимига топширади. Сўнгра, тайинланган пенсия гувоҳномасини янги пенсионерга ўз коллективида тантанали вазиятда топширади.

Давлат пенсиялари тўғрисидаги 1956 йилда қабул қилинган Қонуннинг ҳар бир моддасида Партия ва Ҳукуматимизнинг меҳнаткашларга қилаётган ғамхўрлиги яққол ифода этилган. Меҳнаткашларга тегишли пенсияни олишда қулайлик яратиш ана шу ғамхўрликни амалга ошириш демакдир.

Социал таъминот органлари ФЗМК пенсия комиссияларига ҳар тарафлама ёрдам беришлари, комиссия аъзоларига социал таъминот ишларини қунт билан ўрганиб боришлари керак. Бундай олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшиш, социал таъминот органларига инсонпарварликдан иборат вазифаларини бажаришларида амалий ёрдам бериш маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг ҳам шарафли бурчидир.

Ж. БУРҲОНОВ,
Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрининг ўринбосари.

КОНЧИЛАР ТУҲФАСИ

ОҲАНГАРОН, (ЎзТАГ). «Ўзбекуголь» комбинатининг кончилари йил бошидан бери пландан ташқари тўқсон эшелон кўмир бердилар. Улар олинган мажбуриятни шараф билан бажардилар. Шахтёрлар пландан ташқари қазиб чиқарган ёқилғи унча катта бўлмаган бир шаҳарни иккй йил давомида иситишга етади.

РИЗАМАТ ОТА

Хозирги даврни тасаввур этишни ҳаёлига ҳам келтирмаган Ризамат ёшлигиданоқ турмушнинг аччиқ-чучугини тортди, йўқчиликнинг бутун азоб-уқубат ларини бошидан кечирди. Барча камбағал болалари сингари 7—8 ёшиданоқ меҳнатга бўйсунди. У 12 яшар ўспиринлик чоғида машҳур Иванов бойнинг Тошкент яқинидаги «дегрез» деб аталган хусусий токчилик хўжалигига отаси қатори ёлланиб ишга кирди. Узум пишганда тартарак чалиб боғ қўриди, ток кесиш, кўмиш, ток солиш, хомток қилиш ишларида отасига қарашди.

Оёқ-қўлидан ўт чақнаб турган сергайрат йигитча ўзининг меҳнатсеварлиги, зеҳни ўткирлиги ва идроклилиги билан кишиларнинг эътиборини ўзига тортди. Отасидан ва бошқа соҳибкорлардан таълим олди. Уларнинг токчиликдаги энг яхши тажрибаларини ўрганди. Ёш боғбоннинг бу соҳада катта қобилият ва истеъдодга эга эканлиги ўша вақтдаёқ токчилик мутахассисларини қизиқтирди. Токчиликнинг бош мутахассиси атоқли агроном И. М. Стекольников Ризаматни ўзига ёрдамчи қилиб олди. Ризамат у билан ўн бир йил бирга ишлади.

Р. Мусамуҳамедовнинг токчилик соҳасидаги талант-қобилиятлари Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина рўёбга чиқди. У 1922 йилгача Туркистон республикаси ер ишлари халқ комиссарлигининг «Кенгсой» мевачилик, узумчилик хўжалигида агроном бўлиб ишлади. СоюзНИХИнинг Оққовоқ станцияси ташкил қилингандан кейин, шу станцияда ишлашга ўтди. Бу ерда Совет Иттифоқида намуна ҳисобланган 40 гектар токзор барпо қилди. 1924 йилда токни қалпоқли сим бағазларида ўстириш ва яхшиланган вайш усулини қўлланиш юзасидан биринчи марта тажриба уюштирди. Ток кесиш, ток тупига шакл бериш ва ток ўстиришнинг янги усулларини ўрганиш ҳамда тажриба қилиш ишларини кенг авж олдириб юборди. У ўзи ўйлаб чиқарган усулларда ўстирган токнинг айрим участкаларида гектаридан 500 центнердан 700 центнергача узум ҳосили олиб соҳиб корларни ҳайратда қолдирди.

Ризамат отанинг Оққовоқ станциясидаги намунавий токзори Ўзбекистондагина эмас, Совет Иттифокининг бошқа республикаларидаги мутахассислар, агрономлар, студентлар ва токчилик ҳаваскорлари учун тажриба мактаби бўлиб қолди. Бу токзорни ҳатто чет элдан келган кишилар ҳам кўриб, унга таҳсинлар айтадилар.

Р. Мусамуҳамедов токчилик соҳасидаги ажойиб таланти ва тажрибалари билан Ватанимиздаги жуда кўп олимларнинг диққатини ўзига тортди ва уларни қойил қолдирди. Унинг хотира дафтарига атоқли мутахассислар, фан арбоблари ва бошқа кишилар жуда кўп хотиралар ёзиб қолдирганлар. Жумладан марҳум академик Вавилов қуйидагиларни ёзди:

«Мен Оққовоқ агротехника станциясини бориб кўрганимда тажрибакор узумчи Ризамат Мусамуҳамедов томонидан эришилган ютукларга ҳайратда қолдим. Бу ажойиб устадан кўп нарсаларни ўрганса бўлади. Мусамуҳамедовнинг тажрибалари кўп колхоз ва совхозларга катта фойда келтириши мумкин...».

Ана шу мақсадга эришиш учун Ризамат ота ток ўстиришда янги усуллар ўйлаб чиқарди. Эски усулларни қайта ишлаб такомиллаштирди, серҳосил ва яхши навтокларни пайванд қилиш, пархишлаш йўллари билан кўпайтирди, паст навларни парвариш қилиш, яхши навларга улаш, чатиштириш йўллари билан уларнинг сифатини ўзгартираборди. Шу билан бирга Оққовоқ намуна токзори ёнида ташкил этилган узумчилик курсидан юзлаб шогирдлар етиштириб чиқарди. Узумчиликнинг энг нозик сирларини билишга қизиққан илмий ходимлар, агрономлар, студентлар ва тажрибакор соҳибкорлар Ризамат отадан жуда кўп нарсаларни ўргандилар ва ҳозир ҳам ўрганмоқдалар.

Қибрай қишлоғидаги Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти ва Оққовоқдаги «Магарач» совхозининг токзорлари ва бошқа бир мунча саноат аҳамиятига эга бўлган токзорлар Ризамат отанинг шу намуна токзори базасида вужудга келди. Масалан, Тошкент область, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг боғ ва токзорлари 1000 гектарга етказилди. Янгийўл районидаги «Шарқ Юлдузи» колхози, 2-«Боёвут», «Далварзин» совхозларида, Фарғона водиси ҳамда Самарқанд областида, айниқса, Мирзачўл ерларидаги кўпгина колхоз ва совхозларда Ризамат отанинг бевосита қатнашуви билан ташкил қилинган янги токзорлар ҳозир юқори ҳосил бермоқда. Ризамат отани Тошкентда ҳам, Самарқандда ҳам, Қўқонда ҳам, Тожикистон, Туркманистон, Киргизистон ва Совет Иттифокининг бошқа республикаларида ҳам кўплар танийди.

Машҳур соҳибкор академик В. В. Ташкевич бундан 35 йилча илгари Ўзбекистонни «Совет боғдорчилигининг дурдонаси» деб атаган эди. Ҳақиқатан ҳам республикамизнинг иқлим шароити токчиликни ривожлантириш ва ундан юқори ҳосил олиш учун жуда ҳам қулайдир. Бизда ўсадиган узум навлари, узум бошлари ва ғужумларининг чиройлилиги, хушталилиги ҳамда узоқ сақланиши ва олис жойларга ташишга чидамлилиги билан ҳаммага маълум бўлади. Ўзбекистонда етишадиган узум навлари 300 хилгача боради.

«Тоифи» нав узумни Ризамат ота бундан 50 йилларча илгари Самарқанддан келтириб, экиб, парвариш қилабошлаган. Ҳозир бу нав узумнинг сифати шу қадар яхшиланиб кетганки, бошқа жойларда ўсадиган, «Тоифи» навидан бутунлай фарқ қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг комиссияси бу нав узумни Ризамат отанинг номига қўйди. Ҳозир бу нав узум бутун республикамизга кенг тарқалмоқда.

Ризамат ота Ўрта Осиёдаги жуда кўп нав токларнинг мевасини кўрмасдан туриб, унинг новдаси ва баргига қараб қайси навга мансуб эканлигини айтиб беради. Шунингдек, четдан келтирилиб, бизда ўстирилган винобоп узум навларини ҳам яхши билади. Ризамат отанинг токзорларида четдан келтирилган «Венгер», «Пушти» ва «Оқмускатлар» ватани бўлган Франция ва Ғарбий Европанинг бошқа жойларида ўсгандай ўсиб, юқори ҳосил бермоқда.

Ризамат ота Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ташкил қилингандан бошлаб бир неча йиллар виставка қатнашчиси бўлиб, ўзи етиштирган ажойиб узумларини намойиш қилиб келади. Виставка бош комитети Ўзбекистон ССРда токчиликни ривожлантиришга катта ёрдам берганлиги учун Ризамат отани бирнеча Олтин медаллар билан мукофотлади.

Р. Мусамуҳамедов токчилик соҳасида катта иш олиб бориш билан бирга республикамизнинг хўжалик ва маданий ҳаётида ҳам актив қатнашиб келмоқда. У Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг фахрий аъзосидир. Партия ва ҳукумат унинг меҳнатларига юксак баҳо бериб, икки марта Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Ҳурмат Белгиси ордени ва бошқа медаллар билан мукофотлади. 1952 йилда Р. Мусамуҳамедов давлат мукофоти лауреати деган юксак номни олишга сазовор бўлди.

Ризамат ота ўзининг кўп йиллик кимматли иш тажрибаларига якун ясаб, узумчиликка доир каттагина китоб ёзди.

Ризамат ота кексайиб қолишига қарамасдан ҳали тетик ва бардам. Биз унинг халқимизни мева ва узум маҳсулотлари билан мўлкўл таъминлаш йўлида токчиликни ривожлантириш ва унинг ҳосилдорлигини оширишда яна бир неча йиллар самарали ишлашини тилаймиз.

Ш. АҲМАД.

Фотомухбиримиз А. Абалян суратга олган мана бу чевар қизни Оржоникидзе районидаги «Коммунизм» колхозида ҳамма танийди. Мастура ҳозирга қадар эл хирмонига 14 тоннага яқин «оқ олтин» териб тўкди. Яна 5 тонна кўсак териб бериш мажбуриятини олди. У ҳар куни 250 килограммга етказиб кўсак термоқда.

ИДОРА ХОДИМЛАРИ ТЕРИМДА

Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг идора ходимлари йиғим-теримда актив қатнашмоқдалар. Илёс Ибжонова, Ракия Маженова каби ўртоқлар пахтазорларда унумли меҳнат қилмоқдалар ва ҳар куни 100—120 килограммдан пахта термоқдалар. Уларнинг шу кунгача терган пахтаси 6—7 тоннадан ошиб кетди.

Ўртоқ Қурбонова ҳам кундалик топшириқни ортиғи билан бажараётир. Ҳозиргача хирмонга 7 тоннага яқин пахта топширган Қурбонова кўсак теримида ҳам бошқаларга намуна бўлмоқда.

П. ИСАЕВ.

Канча пахта тайёрланди

Пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида маълумот

10 НОЯБРГАЧА

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Ишлаб чиқариш бошқармалари	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Машина терими: Бир кунда	Машина терими: Мавсум бошидан бери	Қоп-қанорсиз ташиш
Тошкент	**0,17**	**105,85**	—	—	**143,32**
Янгийўл	0,24	95,81	0,23	94,09	115,29
Янгиер	0,72	75,88	0,31	61,06	92,23
Чирчиқ	0,18	75,84	—	—	94,48
Сирдарё	0,28	59,78	0,33	55,03	81,96
РАЙОНЛАР					
Қуйи Чирчиқ	**0,40**	**118,14**	—	—	**125,93**
Оржоникидзе	**0,15**	**101,03**	—	—	**139,67**
Юқори Чирчиқ	0,22	98,80	0,40	79,40	97,84
Чиноз	0,16	97,51	0,64	80,82	126,85
Ўрта Чирчиқ	0,06	87,35	—	—	106,26
Янгийўл	0,25	86,23	—	—	108,98
Пискент	0,28	80,51	—	—	96,41
Янгиер	0,88	78,56	0,45	78,90	99,06
Бўка	0,20	73,82	—	—	101,76
Бекобод	0,54	72,76	0,13	37,02	84,95
Сирдарё	0,36	67,22	0,52	75,50	95,37
Оққўрғон	0,24	61,36	—	—	75,46
Комсомол	0,22	59,26	0,12	39,93	78,33
Гулистон	0,22	46,75	0,30	39,72	61,35
Область бўйича	**0,33**	**76,94**	**0,20**	**61,03**	**95,82**

25 ЦЕНТНЕРГА ЕТДИ

Чиноз районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзолари 15 октябрдаёқ йиллик пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарган эдилар. Колхозчилар шундан кейин ҳам суръатни бўшаштирмадилар. Йиғим-терим ишлари қизғин давом эттирилди.

Мана, бугун колхоздан хушхабар олинди. Меҳнатсевар пахтакорлар 831 гектар ерининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил йиғиб олиб, зиммага олган мажбуриятларини ҳам шараф билан бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Бу муваффақиятнинг қўлга киритилишида колхоздаги каттаданкичикнинг ҳар бири муносиб ҳисса қўшди. Шуни айтиш керакки, бу хўжаликда кейинги икки йил ичида ҳосилдорлик 15 центнерга кўпайди.

Шу кунга қадар давлатга 1961 йилдагига қараганда 560 тонна, 1960 йилдагига қараганда 1180 тонна кўп пахта сотилди.

Шунисн қувончлики, барча ҳосил пунктга қоп-қанорсиз ташиб берилди ва натижада колхоз бўйича 6901 сўм пул иқтисод қилинди.

Далада ҳали ҳосил мўл. Колхозчилар сўнгги грамм, сўнгги кўсаккача йиғиб оламиз, давлатга яна 100 тонна «оқ олтин» сотамиз ва бу билан ҳосилдорликни 26—27 центнерга етказиш учун курашамиз, деган ният билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ҳосили батамом йиғиб олинган ерларда ғўзапоялар йиғиштирилиб, келгуси йилга тайёргарлик ишлари ҳам кучайтириб юборилди.

ЯНА 500 ТОННА ПАХТА ТОПШИРАМИЗ

Дастлабки кунларданоқ йиғим-теримга уюшқоқлик билан киришган колхозчиларимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллиги арафасида ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга пахта сотиш йиллик плани 100,1 процент қилиб бажарилди.

Бу йил 1650 гектар ерда пахта етиштирдик. Колхозчиларимиз ғўза парваришида илғор агротехника усулларини кенг қўлланиб, мўл ҳосил тўплаш учун барча чораларни кўрдилар. Ҳар бир бригада, ҳар бир звенода терим қатъий график асосида ўтказилди. Давлатга ҳаммаси бўлиб 4628 тонна пахта сотдик: гектар бошига тақсимлаганда 28 центнерданга тўғри келади.

Машина жонимизга ора кирди. Топширилган пахтанинг 1300 тоннаси пўлат агрегатларда териб олинди. Деярли ҳамма ҳосил пунктга қоп-қанорсиз етказиб берилди.

Шунингдек колхозимизда гўшт сотиш плани 100,5 процент, сут 101 процент, жун 148,9 процент, тухум сотиш плани 150 процент, шоли сотиш плани 105 процент, ғалла плани 108 процент бажарилди. Мамлакатга 11450 килограмм пилла етказиб бердик.

Колхозчиларимиз ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахта тайёрлашни сусайтирмасликка, қолган ҳосилни сўнгги граммигача йиғиб-териб олиб, давлатга яна 500 тонна пахта сотишга сўз бердилар. Бу мажбурият ҳам албатта, бажарилади.

М. ПЎЛАТОВ,

Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхозининг раиси.

Қ. ИЎЛДОШЕВ,

колхоз партия комитетининг секретари.

Суратларда: (чапдан) колхоз раиси М. Пўлатов, партия комитетининг секретари Қ. Иўлдошев ўртоқлар.

М. Устабобоев фотолари.

Халқаро аҳвол

КУБАЛИК ДЕҲҚОНЛАР ҲУЗУРИДА

ГАВАНА, 9 ноябрь. (ТАСС). Куба Республикасининг бош министри Фидель Кастронинг таклифига биноан, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян 8 ноябрда Пинар—Дель—Рио вилояти бўйлаб сафар қилди. Фидель Кастро ва А. И. Микоян ўртоқлар эрталабдан кечгача бир неча халқ имениесида, қишлоқ хўжалик тажриба участкаларида бўлдилар, революцион ҳукумат томонидан меҳнаткашларнинг истироҳати учун ҳушманзарали ерда ташкил этилган Сороа туристик марказини бориб кўрдилар.

А. И. Микоян кубаликлар диёрида биринчи марта бундан уч йилча муқаддам бўлган эди. Ўша вақтдан бери бу ерда кўп нарса таниб бўлмаслик даражада ўзгарган. Революция, халқ ҳокимияти мамлакат қиёфасини тамомила ўзгартириб юборди.

Пинар-Дель-Рио вилоятида Фидель Кастро ва А. И. Микоян улуғ совет олими Мичурин номидаги халқ имениесида бўлдилар. Бу имение — намунали тажриба хўжалигидир. Бу ерда экилган хилма-хил мева дарахтлари, дуккакли, хашаки экинлар ажойиб ҳосил берди.

Фидель Кастро А. И. Микоянни Мичурин номидаги халқ имениесининг ишлари билан таништирар экан, бу хўжаликда ўтказилаётган тажрибалар ҳақида батафсил гапириб берди. Фидель Кастро ва А. И. Микоян «Эль Корохаль» деган бошқа бир халқ имениесини ҳам бориб кўрдилар.

Вилоят бўйлаб қилинган сафар вақтида Фидель Кастро ва А. И. Микоян дўстона суҳбатлашдилар, кўрган нарсалари ҳақида фикр олишдилар, Кубада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тезроқ ривожлантириш, мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришнинг имкониятлари ва йўлларини муҳокама қилдилар. Кубалик меҳнаткашлар Фидель Кастрони ва А. И. Микоянни самимий ва шодиёна кутиб олдилар.

Вилоят бўйлаб қилинган сафар вақтида СССРнинг Куба Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси А. И. Алексеев Фидель Кастро ва А. И. Микоян билан бирга бўлди.

АҚШДА САЙЛОВЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 9 ноябрь. (ТАСС). АҚШда 6 ноябрда бўлиб ўтган сайловларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар 88-чақириқ конгрессининг ҳар иккала палатасида демократик партия анча кўпчилик ўринни олишидан далолат беради.

Вакиллар палатасидаги 435 ўриндан 259 ўринни демократлар, 176 ўринни республикачилар олди.

Сенатдаги 39 та бўш ўринга демократлардан 25 киши ва республикачилардан 14 киши сайланди. Шундай қилиб, сенат 68 демократдан ва 32 республикачидан иборат бўлади.

Губернаторларни сайлашда демократлар 20 штатда ғалаба қозонди ва, дастлабки маълумотларга қараганда, яна бир штатда кўпчилик овоз олди; республикачилар 13 штатда ғалаба қозонди ва улар ҳам бир штатда кўпчилик овоз олди.

ИТАЛЬЯН ФИЗИКЛАРИНИНГ КАШФИЁТИ

РИМ, (ТАСС). Бир группа итальян олимлари аҳамиятли илмий кашфиёт қилишга — водороднинг «водород-4» деб аталган янги изотопини топишга муваффақ бўлганликларини эълон қилдилар.

Водороднинг шу вақтгача учта изотопи борлиги маълум эди: «Водород-1» водороднинг табиатда энг кўп тарқалган изотопидир; «водород-2» деб аталган дейтерий «оғир сув» таркибидаги водород изотопи бўлиб, кўпгина ядро реакцияларини рўёбга чиқариш учун ишлатилади. Ниҳоят, водороднинг «водород-3» деб аталган оғир радиоактив изотопидан термоядро реакцияларида фойдаланилади.

Водороднинг яқинда кашф этилган янги изотопининг ядросида учта нейтрон ва битта протон бор. Бу янги изотопнинг умри бир секундининг 100 миллиардан бир ҳиссасига тенгдир.

«Водород-4» бир неча ёш физикларнинг: Генуя университетининг профессори Арган, Парма университетининг профессорлари Бандишали ва Пьяццоли, Турин университетининг профессорлари Бизи ва Пирачино ҳамда бошқа олимларнинг тадқиқотлари натижасида кашф қилинди.

ЯМАНДА ЖАНГЛАР

ҚОҲИРА, 9 ноябрь. (ТАСС). Санодан олинган хабарлар шуни кўрсатадики, кеча Саудия-Иордания қўшинларининг бўлинмалари Жизан районидан Саада районини ишғол қилиш учун яна уриниб кўрганлар. Аммо Яман армиясининг қисмлари сотқин король қўшинларига қатъий зарба бердилар ва уларни Саудия Арабистони территориясига улоқтириб ташладилар.

«Алаҳром» газетаси хабар беради: инглиз миномётлари, тўплари ва автомат қуроллари билан таъминланган Саудия-Иордания бўлинмалари Нишвар водисидан (Яманнинг Саудия Арабистони билан шимолий чегараси) Саадага ҳужум қилдилар. Яман армиясининг қисмлари сотқинларни тор-мор келтирдилар. Неча юзлаб солдатлар ўлдирилди ва ярадор қилинди, кўп қурол-яроғ ўлжа олинди.

Саудия қўшинларининг бўлинмалари ўша куниёқ Саадани ишғол қилиш мақсадида яна ҳужумга ўтдилар. Жабал-Рязих районида (Яманнинг шимолий чегарасида) Яман армияси қисмлари билан Саудия қўшинлари ўртасида шиддатли жанг бўлди. Бу жанг натижасида душман Саудия Арабистони территориясига улоқтириб ташланди. Мариб районида ҳам қаттиқ жанг бўлди. Байхан ҳокимининг сотқин шайкалари бу районга кириб олган эдилар. Ана шу жангда сотқинлардан кўп киши ўлдирилди. Тирик қолганлари тоғларга қочди. МЕН агентлиги мухбирининг Санодан хабар беришича қараганда, яқинда Саудия Арабистони билан чегарадош Канават ва Харан водиси районларида Саудия армияси билан бир неча марта жанг бўлган. Бу жанглар натижасида Саудия-Иордания солдатларидан 1 минг киши ўлдирилган ва бир неча юз киши ярадор қилинган.

Қисқа хабарлар

★ Антара агентлигининг хабар беришича, Индонезия ҳукумати Яман Республикасини таниш ҳақида қарор қабул қилди.

★ Токнодаги «Бунка · кайкан» концерт залида совет скрипкачиси, халқаро конкурсларнинг лауреати Владимир Малининнинг биринчи концерти бўлди. Бу концерт вақтида Бах, Брамс, Чайковский, Шостакович, Прокофьев, Хачатурян ва бошқа композиторларнинг асарлари ижро этилди. Концерт зўр муваффақият билан ўтди.

★ Токиода эълон қилинган маълумотларга қараганда, шу йилнинг 1 октябрида Япония пойтахти аҳолиси 10,177.298 киши бўлган.

★ Расмий статистика маълумотларига қараганда, Ғарбий Берлин саноат корхоналарига бериладиган заказлар сентябрь ойида ўтган йилнинг сентябрь ойидагига нисбатан 3,1 процент қисқарган. Ғарбий Берлин саноати умуман шу йилнинг 9 ойи ичида 1961 йилнинг ана шу давридагига нисбатан 12 процент кам заказ олган. (ТАСС).

БАҲМАЛ ДАЛАЛАР

Далани айланиб чиққач, раис билан идорада суҳбатлашиб ўтирар эдик. Шу пайт эшик очилиб, хонага анча ёшлардаги бир аёл кириб келди.

— Келинг она, хизмат, — деди раис аёлни ўтиришга таклиф қилиб.

— Уйимизни ремонт қилаётган эдик, — деди аёл ва раисга бир варақ қоғозни узатди, — шунга бироз шифер керак бўлиб қолди.

— Ҳўп бўлади, — деди раис, — айтгандек бу масалада бригада бошлиғи Кўчқор Элликовга учрашдингизми?

— Йўқ, — деб жавоб берди аёл.

— Ундай бўлса, — деди раис, — аввал бригадирнинг олдидан ўтинг, мен рози. Аризангизни қолдириб кетаверинг. Ўша киши орқали уйингизга шифер юбортирамиз.

Аёл миннатдорчилик билдириб чиқиб кетди.

— Тўғри-да, — раис бизга тушунтирди, — тағин фалончининг ишини тўғрилаб берибсизлар-ку, бундан мен бехабар қолипман, деб ўпкалаб юрмасин бригадир. Ахир уларга ҳам катта ҳуқуқ берганмиз. Аввалги бир колхозхозир бир бригада. Шундай бўлгандан кейин ҳарбир тадбирни бригада бошлиқларининг фикри ва маслаҳати билан қилсак яхши бўлади.

— Колхозингизда шифер заводи борми? — атайин сўрадик.

— Ҳозирча йўқ, — деди раис, — лекин бордек. Нега десангиз колхозчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, район ижроия комитетига ариза бердик. Анча шифер, бир неча рулон тол олдик, жуда яхши қилган эканмиз, авжи хирмон кўтариладиган пайтларда колхозчиларимиз ремонт учун деб, ариза кўтариб районга тушиб, овора бўлиб юрмадилар. Кимга нима керак бўлса колхознинг ўзидан ишини битириб олди.

Оржоникидзе районидаги Свердлов номли колхозда кишини меҳнатга рағбатлантирувчи бу сингари яна бир қатор тадбирлар амалга оширилган. Шунинг учун ҳам колхоз областдагина эмас, хатто республикада биринчи бўлиб давлатга сабзавот сотиш планини бажарган эди.

Бир маҳаллари районда донг таратган бу колхоз кейинги йилларда ўз шуҳратини йўқотиб қўйди. Ҳосилдорлик кескин камайиб кетди, чорва маҳсулдорлиги ҳам пасайиб қолди. Меҳнат интизоми анча бўшашди. Шу йилнинг бошида бўлиб ўтган умумий мажлисда колхозчилар колхоз раҳбарларининг ярамас иш усулларини қаттиқ танқид қилдилар. Нима учун орқага чекиниш рўй берганлиги сабабларини бирма-бир очиб ташладилар. Шундан кейин улар, қўшни «XXI партсъезд» совхозининг илгор бригада бошлиғи Соли Жўраевни раис қилиб сайладилар. Партия ташкилотининг секретарлигига ҳам шу колхознинг ўзида тарбияланган, деҳқончиликнинг тилини яхши биладиган бошқа бир киши сайланди.

Янги раис ва партия ташкилотининг секретари ишни кадрларни ўрганиш ва уларни жой-жойига қўйишдан бошладилар. Бир маҳаллари юқори ҳосил олган, лекин кейинчалик ўз устида ишламай қўйган бази «ман-ман» бригада бошлиқлари ўзгартирилди. Уларнинг ўрнига оддий колхозчилар — тажрибакорлардан танланиб, бригадирлар сайланди. Шунингдек, бошқа бир қатор тадбирлар ҳам амалга оширилди.

— Илгарилари, дейди раис ўртоқ Жўраев, — колхоз устахонасида четдан келган мутахассислар ишлар экан. Шуниси қизиқки, улар кўпчиликка ўхшаб меҳнат куни ҳисобига эмас, ойлик олиб ишлашар экан. Ойлик олганда ҳам ўртача 100—150 сўмданга тўғри келади. Колхознинг планлари бажарилаяптими, колхозчилар меҳнат кунларига ҳақ олаяптими, бу билан уларнинг иши йўқ. Баҳоланки, колхознинг аъзоси ҳисобланишади. Биз бу тартибни ўзгартирдик. Уларга ҳохласаларингиз сизлар ҳам меҳнат куни олиб кўпчилик қатори ишлайсизлар, деган шартни қўйдик. Уларнинг баъзилари қўл учида ишлаб, ҳар ойда нақд пул олишга ўрганиб қолган эмасми, бу шартимиз оғирлик қилиб, кетиб қолишди. Ҳозир улар ўрнида ўзимизнинг колхозимиздан чиққан кадрлар меҳнат куни олиб ишлашяпти. Ёмон бўлаётгани йўқ. Техникага қаров илгаригига қараганда яхши бўлди, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг иш унуми ортди.

Шундай қилиб, колхозда агротехника тадбирлари сифатли амалга оширилганлиги туфайли ҳосилдорлик кескин кўпайди. Ҳар гектар ердан 30 тоннадан ошириб помидор, 48 гектар ердаги эртаги карамдан 30 тоннадан ҳосил олинди. 15 гектар ерга кечки карам экилган эди. Ҳосили мўл бўлди. Шу кунларда карам узилиб давлатга топширилмоқда. Ҳар гектаридан кам деганда 30 тоннадан ҳосил олинади. Давлатга қовун-тарвуз сотиш, мева сотиш планлари ортиги билан адо этилди. Картошкадан ҳам ҳар йилгидан мўл хирмон кўтарилди.

Мўл ҳосилни йиғиб-териб олишга колхоздаги меҳнатга қобилиятли ҳарбир киши қатнашди. Помидор, бодринг терими авжи қизиган вақтда қариялар, чойхона, идора ходимлари ҳам кўмаклашдилар.

Энг муҳими шуки, колхозчиларнинг меҳнат кунларига бир килограмм сабзавот учун бир тийин ҳисобидан аванс бериб турилди. Пулни кассир Марям опа Галиевзнинг ўзи колхозчилар ишлаётган жойга олиб боради. Бундан ташқари ўзаро мусобақа ғолибларига мукофотлар бериб турилди. Масалан, биринчи мукофот — бригадага 50 сўм пул ва бир қўй, иккинчи мукофот — 30 сўм пул ва қўй.

— Маҳсулот таннархига келсак, — дейди раис ўртоқ Жўраев, — мумкин қадар арзонлаштириш чораларини кўрдик. Идора бошқарув аппаратини қисқартириш, бригадаларни йириклаштириш ҳисобига 10 минг меҳнат куни тежалди. Экинларни парвариш қилишда кўпроқ сифатга эътибор бердик. Бу йил бир килограмм сабзавотни икки тийиндан оширмасликни, колхозчиларнинг бир меҳнат кунига 2 сўмдан пул тўлашни мўлжаллаб турибмиз.

Қувончли якун, яхши ният, колхоздаги ҳамма иш шунга яраша. Баҳмал далаларни айлансангиз, бунинг гувоҳи бўласиз: сўнгги килограмм карам ва картошка ҳосиллари йиғиб-териб олинмоқда, қудратли тракторлар ер бағрини тилиб, шудгорлашни қизитиб юборганлар. 20 гектар ерга экиб қўйилган кузги пиёз гуркираб ўсмоқда. Хуллас, бу хўжалик аъзолари ўзларининг илгариги шуҳратларини тиклаш йўлида дадил қадам билан олга бормоқдалар.

Н. РИХСИЕВ.

Яқинда Революция Сквери да «Дружба» ёшлар кафеси фойдаланишга топширилди. Суратда: «Дружба» кафеси.

А. Абалян фотоси.

ЧЕКИШНИ ТАШЛАДИМ...

Москва яқинидаги «Радуга» санаторийсидан ҳозиргина қайтиб келган танишимнинг чеҳраси одатдан ташқари гул-гул ёниб турарди. Афтидан, меҳнат отпускаси унинг соғлиғига самарали таъсир этибди.

— Утир. Қани айтчи, қандай дам олдинг, Ол, чек.

— Раҳмат, чекмайман, — рад этди танишим.

Мусаффо осмонда тўсатдан момақалдироқ гулдирганида ҳам мен бу жавобни эшитганимдагидек ҳайратда қолмас эдим.

— Ие?! Ахир сен ўта кетган кашанда эдинг-ку.

— Ҳозир мен бу ёмон одатдан нутилганман. Қандай қилиб чекишни ташлаганимни билишни истасанг «Радуга»га бориб, бош врач Маҳмуд Маҳмудов билан суҳбатлаш.

Эртасига мен Яхрома яқинидаги Ольговога жўнадим.

— Кишиларни чекиш одатидан қандай қилиб қайтараётирсиз, шуни айтиб берсангиз? — мурожаат этдим бош врач Маҳмуд Маҳмудовга.

— Бу иш «Медицинский работник» газетасида босилган мақолада дан бошланди. Унда Венгриядаги «Кенештете» санаторийси н и ч г бош врачи Виллибальд Вильтнер ҳатто энг ашаддий кашандаларни ҳам «тамаки заҳари»дан муваффақиятли равишда қайтараётганлиги тўғрисида ёзилган эди. Сигарет, папирос ва трубкалар «мухлислари»нинг венаси ичига лобелин-гидрохлорид юборилади. Бу препарат чекишга нисбатан кишида жирканиш пайдо қилади.

Лобелин доривор ўсимлик сифатида кўпдан бери маълум. Америкалик индеецлар табак ўрнига унинг баргини шимадилар ва чекадилар. Медицинада эса у қўзғатувчи восита сифатида таъсир кўрсатиш учун нафас органларига юборилади. Шу нарса маълум бўлдики, лобелин инъекциясидан сўнг чекувчиларнинг оғзида кўнгилсиз таъм пайдо бўлади. Лекин шуниси муҳимки, лобелин кишидаги «ниютинга очиқўзлик»ни йўқотади.

Лобелинни мускул ичига юбориш инъекциясини биринчи марта мен ўзимда синаб кўрдим, дейди бош врач. Саккизинчи куни менда чекишга нисбатан жирканиш пайдо бўлди. Ушандан бери бир неча ой ўтди. Шу давр ичида олти килограмм семирдим ва ўзимни бардам ҳис қилмоқдаман. Санаторий аптекасининг мудири, ашаддий кашанда Татьяна Жукова ҳам мендан ўрнак олди. Кейин мен бу ерда дам олаётган ва чекишни ташлашни хоҳлаган кишиларга янги препаратни тавсия этдим.

Бу орада даволаш усули ҳам аниқланиб қолди. Олдинига биз юрак-қон томирлари системасини атрофлича текширамиз ва қонни анализ қиламиз. Дам олувчининг соғлиғи, чекиш стажи ва қанчалар тез чекишига қараб даволаш курсини белгилаймиз. Даволашда лобелин-гидрохлориднинг ампулаларга солинган бир процентли эритмасини қўлланмоқдамиз. Инъекция 10—14 кун давомида суткасига бир-икки марта ўтказилади. Ана шу кунлар давомида биз чекишни ман этмаймиз. Лекин тажриба шуни кўрсатдики, энг ашаддий кашандалар ҳам даволашнинг 8—9-кунида папиросни ташлайдилар. Чекишга қарши даволашни ўтаган кишилар организмининг ҳаёт фаолиятида ҳеч қандай салбий ҳолатлар рўй бермади. Ҳозирча инъекция курсини 60 киши қабул қилди. Уларнинг ҳаммасида ҳам ижобий натижага эришилди.

— Мен ўтган охиригача чекишдан хориж бўлганлар сонини 200 кишигача етказиш ниятидаман, — деди Маҳмудов суҳбат охирида.

Совет ПРИДВОРОВ,
АПН мухбири.

БИЛДИРИШ

12-ноябрь соат 5.30 минутда Округ Офицерлар уйи биносида «Етти йиллик амалда» кўчма Бутуниттифоқ бадиий фотография виставкаси очилади. Тошкентнинг ҳамма фото ҳаваскорлари таклиф этилади.

УЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИ.

ХАЛҚ ДОНОЛИГИ ВА ОБ-ҲАВО

Об-ҳаво ҳақида ахборотлар тўплаш ва уни олдиндан айтиб бериш ишини 1921 йил 21 июнда В. И. Ленининг декрети билан ташкил этилган СССР гидрометеорологик хизмати бажаради. Россияда гидрометеорология хизматига асос солинганига 113 йил (1849 йил) бўлди. Бундан илгари ҳам об-ҳавони олдиндан айтиш бор бўлган ва халқларнинг эҳтиёжини маълум даражада қондириб келган.

Ҳарбир халқ ўзининг кўп асрлик тажрибаларига суяниб об-ҳавонинг қандай келишини олдиндан айтишга ёрдам берадиган белги-аломатларни билиб олган. Бу тажрибалар авлоддан-авлодга ўтиб келган. Об-ҳавони олдиндан айтиш турли халқлар ўртасида нақл ҳолида ҳам айтиб юрилади.

Масалан: «Тонгги ёмғир йўловчини тўхтатмас» (норвежларда);

«Ғарбий шамоллар — ёмғир уяси» (инглизларда);

«Кучли шамол катта ёмғир келтиради» (немисларда);

«Тунги шамол кундузи сув сепади» (голландларда);

«Қора булут кўп ёмғир келтиради» (эронларда);

«Кучли шамол қисқа бўлади» (болгарларда).

Халқлар ҳайвонлар, жониворлар ва ўсимликларнинг об-ҳавони олдиндан сезишини қадимдан билганлар ва шу белги-аломатларга қараб об-ҳавони олдиндан айтганлар. Ҳайвонлар, айрим қушлар, шунингдек жониворларнинг сезги органлари одамникига нисбатан анча тараққий этганлигидан ҳавонинг намлиги ва босимнинг ўзгаришини яхши сезадилар. Улардан баъзилари об-ҳаво ўзгаришини олдиндан «айтиб беради»лар.

Агар асаларилар эрталабданоқ озиқ қидириб кетса, кун иссиқ, ҳаво очиқ бўлади. Агар асаларилар эрталаб учиб кетмасдан, ниларига қўниб ғувиллашиб турса — ёмғирни кутиш мумкин. Асаларилар озиқ қидиришдан барвақт тўхтаса — очиқ ҳаво; кеч тўхтаса — бузуқ ҳаво бўлади.

Чумолиларнинг иннига беркиниб ётиши — момақалдироқ ёки кучли ёмғирдан дарак беради.

Агар моллар кечқурун ўтни зўр иштаҳа билан еса эртасига ёмғирни кутиш мумкин.

Агар товуқлар ёмғирдан қуруқ жойга бекинса ёмғир тез тўхтайди; агар товуқлар ёмғирда ҳам юраверса ёмғир узоқ давом этади.

Қалдирғоч баланд учса, ҳаво қуруқ ва очиқ бўлади; ер бағирлаб учса, ёмғир ёғади.

БУНИ БИЛИБ ҚУЙИШ ФОЙДАЛИ

□ □ □

Агар кўршапалак қуёш ботгандан кейин тинмай учса — ҳаво очиқ бўлади.

Агар қушлар эрта учиб келса, баҳор илгарироқ бошланади, улар эрта учиб кетса, тез совуқ тушади.

Агар чигирткалар кечқурун анча вақтгача чириллаб турса — эртаси эрталабдан ҳаво яхши бўлади.

Кузда чумолилар тўплами қанча кўп бўлса, қиш шунча қаттиқ (совуқ) бўлади.

Кузда қуёнлар ўзида кўп ёғ тўплаган бўлса қиш совуқроқ ва узоқроқ бўлади.

Ўзи тўқиган инида турувчи ўргумчак кучли шамолдан олдин ининнинг асосий ипларини узиб ташлайди.

Яхши, тинч ва очиқ ҳаводан олдин шиша банкадаги медицина зулуги (медицина зулуги остига қум солинган, суви ярим шиша банка ичида бўлса) сувнинг остида ва тинч ҳолатда бўлади; кучли шамолдан олдин медицина зулуги нотинч ва тез сузиб юради.

Агар гўнгқўғизлар гўнг уюмида ўрмалашиб учмаса, ҳаво бузуқ бўлади.

Мушук бошини оёқлари орасига олиб, юмалоқ бўлиб ётса — совуқ, тумшуғини юқори кўтариб ётса — иссиқ бўлади.

Ўсимликлар ҳам об-ҳавонинг қандай бўлишидан дарак бериши мумкин.

Сариқ акация уй-жойлар атрофидаги боғ ва кўчаларда ўсади. Унинг кўримсиз сариқ гули эртага қандай об-ҳаво бўлишини билишга ёрдам беради. Агар унинг **гули атрофига ҳашаротлар кўпроқ айланисса ҳавонинг бузуқ бўлишини кутиш мумкин.** Сабаби шуки, бузуқ ҳаво бўлишдан олдин (ҳавода намлик кўпайиши натижасида акация гуллари ҳашаротлар истеъмол қиладиган ғуласални кўп ажратиб чиқаради.

Қоқиғулнинг шари сиқилса — ёмғирнинг белгиси.

Гуллар ёмғир ёғишдан олдин кучли ҳид тарқатади, чунки ҳаво нам бўлса гулларнинг ўртасига сув тўпланиб гулларидаги сувнинг бўғланиши камаяди. Бу пайтда хушбўй моддаларнинг бўғланиши кучаяди.

Агар беда жуда ҳам тик ҳолда турса ёки баргларини ғужанак қилабошласа, бу ҳавонинг ўзгариши ва бўрон бўлиш белгисидир.

Агар эрталаб печак гуллари катта-катта бўлиб очилса ҳаво очиқ бўлади. Ўсимликлардаги ўзгаришларга қараб об-ҳавони олдиндан айтишни ҳар бир киши ўз тажрибасида яна синаб кўриши ўринлидир.

Одамлар атмосферада рўй берадиган турли ҳолатларга қараб ҳам об-ҳавони олдиндан айта оладилар. Қуйидаги ҳолларда **ҳаво очиқ ва ёғинсиз бўлади:**

Ёзда эрталаб ҳаво очиқ бўлиб, тушда пағ-пағ булутлар пайдо бўлса ва кечга томон йўқолиб кетса,

кечаси ҳаво тинч, кундузи шамол қучайиб, кечга томон яна тинчиса,

кечаси жуда кўп шудринг ёки қиров тушса,

тутун юқорига тик кўтарилса,

кун чиқиш ва кун ботишда уфқ оч пушти ёки тилла ранг бўлса.

кечқурун камалак бўлса ва ҳоказо.

Қуйидаги ҳолларда ҳаво айниди (булутли ва ёғин бўлиши мумкин):

ёзда пағ булутлар кечга томон тарқаб кетмай, осмонга ёйилса, кўпайса, мавжли сийрак булутлар осмонда тез сузиб кетса,

кечга томон шамол қучайса,

ойнинг атрофида чамбарак ҳосил ҳосил бўлса,

кундузи ва кечасидаги ҳарорат бир-биридан кам фарқ қилса,

тутун пастга томон ёйилиб тарқалса.

Булардан ташқари **трамвай ёйидан чиққан учқун тиниқ ва ёрқин бўлса ҳаво очиқ бўлади; учқун кучсизроқ ва яшил ранг бўлса, — нам, ёмғирли ҳавони кутиш мумкин.**

Турли белги-аломатларга қараб об-ҳавони олдиндан айтишга батамом ёпишиб олиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки об-ҳавони олдиндан айтишда одамлар ўртасида ўринсиз фикрлар ҳам бўлади.

Умуман олганда об-ҳавони турли хил белгиларга қараб бўлса ҳам, илмий асосда синаб кўрилган белгиларга қараб бўлса ҳам олдиндан айтиш жуда қийин ва мураккаб ишдир.

О. МУМИНОВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти табиий география кафедрасининг с т а р ш и й ўқитувчиси.

ЕР — МАРС

Марс. Инсон ўз хаёлида ана шу олис планетага аллақачонлар бориб ва ҳатто... марсликлар билан учрашиб келган. Лекин бу нарса, яна қайтариб айтамизки, ҳозирча хаёлпарастликнинг самараси, холос. Инсон ана шундай хаёл қилар экан, илм-фан соҳасидаги кўпгина тажрибаларга асосланган. Бундай турли-туман тажрибалар кўплаб ўтказилди ва улар бир талай қизиқарли маълумотлар берди. Олимларнинг аксарияти Марсда ҳаёт бўлиши мумкин, деган фикрни айтмоқда. Бу ҳаёт тараққиётнинг қайси босқичида турганини ҳозирча айтиб бўлмайди.

Хўш, шундай экан, Марсда ҳаёт борлиги тўғрисидаги тахминни исботлайдиган қандай далил бор? Бунга планета сатҳининг физик, химик тузилишини ва планета теварагида атмосфера борлигини далил қилиб кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, Марсга доир баъзи бир маълумотлар Ерга доир маълумотларга маълум даражада ўхшашлиги ҳам ана шу тахминнинг тўғрилигини кўрсатиб турибди. Чунончи, Марсдаги суткалар Ердаги суткалардан сал узунроқ, холос. Фан маълумотларига кўра, йил фасллари — баҳор, ёз, куз, қишнинг алмашиниши ана шу планетага ҳам хос нарсадир. Марсда йилнинг давомийлиги Ердагига нисбатан икки баравар ортиқ. Лекин планетадаги йиллик ўртача ҳарорат паст — минус 20 даража, ваҳоланки Ерда ўртача йиллик ҳарорат плюс 15 даражадир. Бироқ, бизнинг Ердаги сингари Марснинг турли районларида ҳам ҳароратнинг ҳар хил бўлиши аниқланди. Марс сатҳида шундай бепоён районлар борки, буларда ҳарорат узоқ вақтгача 0 даража бўлиб туради. Экваторда ҳарорат плюс 20 даража бўлиб, кечаси минус 45 даражага қадар тушади. Қутб районларида совуқ минус 75 даражага боради. Ахир, бундай ҳарорат Ернинг айрим, чунончи қутб жойларида ҳам мавжуддир. Бундай ҳароратнинг мавжудлиги олис планетада ҳаёт йўқ, деб айтишга асос бўла олмайди. Бундан ташқари, оз миқдорда бўлса-да, сувнинг, тупроқ остидаги муз ёки қировнинг мавжудлиги тўғрисида совет ва чет эл олимларининг айтган тахминлари Марсда ҳаёт бор деган фикрни исботлаб туради.

Олимлар ўзлари олиб борган тадқиқотлар натижасида Марс сатҳининг туси мунтазам ўзгариб туришини пайқадилар. Бу ҳам Марсда ўсимликлар бор, ана шу ўсимликлар Марс йилининг турли фасларида ўз рангини ўзгартириб туради, деган тахминни таъкидлаб айтиш учун жиддий дастак бўлди.

Жаҳон олимлари Марсга доир бу маълумотларнинг ҳаммасини Ерда туриб олганлар. Лекин одам ўзи ўрганаётган самовий объектларга, Қуёш системасининг планеталарига яқинлашишни ҳамиша орзу қилиб келди. Ҳозир бутун инсоният совет фани амалга ошираётган янги улкан тажрибанинг шоҳиди бўлиб турибди. Совет фани биринчи бўлиб Марс томонга «Марс-1» космик ракетасини учирди. Бу ракетанинг илмий мақсадлари ТАСС ахборотида баён қилиб берилган. Ана шу мақсадлар: биринчидан, космик фазони узоқ вақт давомида тадқиқ қилиш; иккинчидан, планеталараро космик радиоалоқа ўрнатиш, ва, ниҳоят, учинчидан, Марс планетасини фотосуратга олиб, Марс планетасининг тасвирини радио каналлар орқали Ерга юборишдан иборат.

Жаҳон илмий жамоатчилигининг эътироф этишича, бу янги тажриба — совет фани ва техникасининг ажойиб муваффақиятидир. Бу тажриба космик фазони ва Қуёш системаси планеталарини тадқиқ қилиш программаси муваффақият билан амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Аввало, шу фактни қайд қилиб ўтмоқчимизки, Қуёш системамизнинг планеталари томон парвоз қилувчи лабораторияларни юбориш чинакам илмий изчиллик билан олиб борилмоқда.

Баъзи бир фактларни эслатиб ўтайлик: 1959 йил 2 январда Ой томон биринчи космик ракета учирилди. Орадан бир неча ой ўтгач Ер йўлдоши томон иккинчи ракета учирилиб, у Совет Иттифоқининг герби тасвирланган вимпелни Ой сатҳига олиб чиқди. 4 октябрда эса, Совет Иттифоқи янги ғалабага эришди — планеталараро совет станцияси Ой теварагини айланиб ўтди ҳамда Ойнинг кўзга кўринмайдиган тарафини суратга олиб, унинг тасвирини Ерга юборди. 1961 йил 12 февраль куни юлдузлар орасидаги фазони ўзлаштиришда яна бир шонли воқеа юз берди: ўша куни тарихда биринчи планеталараро автоматик станция Ернинг оғир йўлдошидан Венера томон парвоз қилди. Бу станция Венерадан 100.000 километр нарида учиб ўтиб, жами 270 миллион километр йўл босди.

Совет Иттифоқи ана шу муваффақиятлар билан фахрланса арзийди. Олимларимиз ва конструкторларимиз кучли учирувчи ракеталарни яратишга муваффақ бўлганликлари туфайлигина бундай муваффақиятларга эришдик. Учирувчи ракеталаримиз секундига 11,3 километр тезликда парвоз қилиб, Ернинг тортиш кучини енгишга ҳамда илмий лабораторияларни Қуёш системамизнинг бошқа планеталарига олиб борувчи трассаларга чиқариб қўйишга қодирдир. Янги учирилган «Марс-1» буни яна бир марта исботлаб турибди. У яна шуни исботламоқдаки, Совет Иттифоқи илмий мақсадларни, тинчлик мақсадларини кўзлаб, космоса муваффақиятли штурм қилмоқда.

Биз, Н. С. Хрушчев айтган қуйидаги сўзларни эслатмасдан ўта олмаймиз: «Коинотнинг ичига кириб бораётган инсон даҳоси мустаҳкам тинчликка олиб борувчи йўлни топиб, Ер планетамиздаги ҳамма халқларнинг равнақ топишини таъминлаб бера олади, деб умидвор бўлишни истар эдик».

Совет ҳукумати космик фазони биргаликда куч-ғайрат сарфлаб ўзлаштиришни чет мамлакатларнинг ҳукуматларига, шу жумладан АҚШнинг ҳукуматига бир неча марта таклиф қилди. Лекин проблемаларнинг проблемаси ҳал қилингач — ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида битим тузилгачгина, илмий техника соҳасидаги муваффақиятларни бирлаштириб, ҳатто Ой, Венера ва Марсга парвоз қиладиган космик кемаларни умумий кучлар билан яратиш мумкин.

Жаҳонда биринчи марта Марс томон учган ракетанинг парвози муваффақият билан давом этмоқда. Ҳали у миллион-миллион километр йўл босди. Марснинг айланиш орбитаси чўзиқ бўлганлиги туфайли, у билан Ер ўртасидаги масофа 55,5 миллион километр билан 400 миллион километр орасида бўлади. «Марс-1»нинг парвози етти ойдан ошиқ давом этади.

А. РОМАНОВ.
ТАСС обзорчиси.

«МАРС-1» КОСМИК РАКЕТАСИНИНГ УЧИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

□ □ □

Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг маданият уйида 10 дан ортиқ тўгарак ишлаб турибди. Бу тўгаракларда фабрикининг ишчи-ёшлари қатнашиб ҳар хил ҳунар ўрганмоқдалар. Суратда: духовой оркестр тўгарагининг қатнашчилари навбатдаги машғулотда.

А. Тўраев фотоси.

МОСКВАГА, БУТУНИТТИФОҚ МУСОВАҚАСИГА

Ўзбекистон спортчиларидан бир группаси шашкачиларнинг команда чемпионатида қатнашмоқ учун Москвага жўнаб кетди. Группа составида спорт мастерлари Ш. Ёқубов, Б. Канишчикер, Л. Хейф, С. Давидов, С. Гуляев ва биринчи разрядли шашкачи Э. Бассиналар бор.

Ўзбекистон шашкачилари қизғин курашларда қатнашадилар. Мусобақада ҳамма иттифоқчи республикаларнинг, Москва ва Ленинграднинг командалари иштирок этади. Республикамиз командаси ўтган йили олтинчи ўринни эгаллаб, дурust натижага эришган эди. Команданинг қандай ўринни эгаллаши 30 ноябрда маълум бўлади. (ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ФУТБОЛ

ТРАДИЦИЯ БУЗИЛМАДИ

«Пахтакор» «А» классига чиқибдики, Кишиневнинг «Молдова» командасини доим мағлубиятга учратиб келади. Кеча ҳам тошкентликлар молдован футболчилари устидан ғалаба қозондилар. Лекин, бу сафарги ютуқ осонликча қўлга киргани. Ўйиннинг бошидан-охиригача тинмай ёққан ёмғирга кўника қолмаганликларидан, жадвалнинг охирида келаётган рақиблари кучига етарли эътибор бермаганликларидан, тошкентликларнинг ўйини кўпда қовишавермади. Ҳужумчиларимиз ортиқча хавф сололмадилар. Аксинча, меҳмонлар кўп ҳужум қилишди. Ҳужум айниқса иккинчи таймда кучайди. Майдон эгаларининг бахтига бу ҳужумлар молдаван футболчиларининг тўпни дарвозага ноаниқ уриши билан пучга чиқаверди.

«Молдова» дарвозасига киритилган иккала гол ҳам бурчакдан урилган тўпнинг самараси бўлди. Биринчи сафар 23-минутда Абдураимов ошириган тўпни Раҳматуллаев, иккинчи сафар Беляков урган тўпни Семёнов (у иккинчи таймда Абдураимов ўрнига тушган эди) калла билан дарвозага киритишди. Меҳмонларнинг узоқдан урган штраф тўпи ҳеч кимнинг қаршилигисиз гол билан якунланди. Матч 2:1 ҳисобида тугади. Лекин Суюнов дарвозага кириб кетаётган тўпни югуриб келиб қайтариб юбормаганда ҳисобнинг шундай қолиши қийин эди.

С. МУСАЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 11 НОЯБРЬ, 1962 ЙИЛ.

Реклама ва эълонлар

Телевизор

11 ноябрда

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — **Болалар учун концерт** (Ҳамза номли пионерлар уйи бадиий ҳаваскорлари ижросида).

Рус тилида: 12.35 — **Тош гул** номли бадиий фильм, 18.00 — **Буратино ва Тепа ҳақида, конфет қандай ишлангани ҳақида** (болалар учун кинофильм), 18.30 — **Телевизион янгиликлар**, 18.45 — **Ёшлик қўшиқлари**, 19.15 — **Биринчи консерватория** (илмий-оммабоп фильм), 19.35 — **Киножурнал ва Шу тунда** номли бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 21.00 — **Телевизион янгиликлар**, 21.15 — **Концерт** (далада ишлаётганлар учун).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — 23.00 — **Олмаота телевидение студиясининг эшиттиришлар программаси.**

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/XI да эрталаб **Коппелия**, кечқурун **Боғчасарой фонтани**, 13/XI да **Майсаранинг иши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/XI да кундуз **Шубха**, кечқурун **Мирзо Улуғбек.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/XI кечқурун **Икки билагузук**, 12/XI да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Константин Берман** ва қизиқчилар группасининг иштироки билан **«Қувноқлар цирки»**. Кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Кино

Фидокорлар — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Шафқатсиз тун — «МИР», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Илқичи қўшиғи — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги раунд — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Бой келин — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим ва кеч 6-50 минутда), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Салом, болалар — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

Етти азамат — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 1 ярим, 4 ярим, кеч 7 ва 9 яримда).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

12, 19 ноябрда

Ўзбек давлат филармонияси халқ чолғу асоблари оркестрининг

КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов**, солистлардан **Сора Шукурова, Мунаввар Давлатова, Тўхта Алихўжаева, Неъмат Қулабдуллаев, Баҳром Мавлоновлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Тошкент давлат медицина институтида кундуз соат 1 да қуйидагилар

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1962 йил 21 ноябрда медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Б. Л. Басин (даволаш ва стоматология факультетларининг илмий совети мажлисида) «Бачадон раки ва ҳомиладорлик» деган темада.

М. Ш. Тастамбекова (педиатрия факультетининг илмий совети мажлисида): «Гипертония касалига Қарағанда шаҳри иқлимининг таъсири» деган темада.

А. Х. Аҳмадиева — санитария-гигиена факультетининг илмий совети мажлисида (инфекцион клиника аудиторияси) биология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Нур касалининг оқимига таркибида кобальти бўлган комплекс бирикмаларнинг таъсири» деган темада.

1962 йил 21 ноябрь кундуз соат 1 да, Тошкент давлат медицина институти педиатрия факультетининг илмий совети мажлисида (даволаш факультети госпиталь терапевтика клиникасининг конференц-зали)

Л. М. Кац

медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Эндемик буқоқнинг ҳомиладорлик ва туғишга таъсири» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган

ПУЛЛИК, 8 ОЙЛИК

КУРСГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсга кирувчилар аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб берадилар: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат, иш жойидан справка, турар жойдан справка, 2 та фотокарточка.

Аризалар 24 ноябргача қабул қилинади (кундуз соат 4 дан кеч 8 гача).

Тинчлик кўча, 3-уйда турувчи **Собиржон Юрчиев**нинг Виставочная кўча, Жарариқ проезд, 1-уйда турувчи Заҳро Юрчиева (Тошпўлатова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлими, партия, касаба союз ташкилотлари ва 9-поликлиника коллективи шу поликлиниканинг бош врачи

Раҳим Ҳакимович ҲАКИМОВНИНГ

шу йил 7 ноябрда бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги, Тошкент шаҳар социал таъминот бўлими, Тошкент шаҳридаги Республика, шаҳар ва район врач-меҳнат эксперт комиссиялари врач-эксперт

Мурод Мақсудович МАҚСУДОВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885 Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 14108. Нашр. Г. 1720.